МАРК ФИШЕР, МАРК АЛЛЕН

67.2.
М-22

МИЛЛИОНЕР СИНГАРИ ФИКРЛАШНИ ЎРГАНИНГ

Ўзингизни ишонтира билинг
Асл вақт – айнан ҳозир
Жуда тез енгилманг
Мукаммал бўлинг



Муваффақият – бу одат

Kitob shu yerda ko'rsatilgan mudda
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori_____	

МАРК ФИШЕР, МАРК АЛЛЕН



МИЛЛИОНЕР СИНГАРИ ФИКРЛАШНИ ЎРГАНИНГ

Таржимонлар:
Тоҳиржон Ҳакимов,
Наргиза Анорбаева

«Наврўз» нашриёти
Тошкент – 2016


УЎК: 125.5.4
КБК: 67.2(5 Ig!) 3
М – 22

Фишер, Марк ва Аллен, Марк. Миллионер сингари фикрлашни ўрганинг / Таржимонлар: Т.Ҳакимов, Н.Анорбоева – Т.: «Наврўз», 2016 йил, 112 бет.

ISBN 978-9943-338-121-6

...Ҳақиқий канадалик миллионер муваффақиятга эришиш тамойиллари ҳақида сўзлаб, одам ўзини ютуққа ва бахтга қандай дастурлаш кераклиги, буни ўз онг ости тасарруфига қай тарзда сингдириши тўғрисида гапиради...

Масъул муҳаррир:
Зуҳра Ҳамдамова



ISBN 978-9943-381-21-6

© Юсуфжон Жабборов, 2016
© «Наврўз» нашриёти, 2016

СЎЗБОШИ

"Миллионернинг сири" китобим нашрдан чиққандан сўнг дунёнинг ҳар тарафидаги "ҳиссиётлари жумбушга келган" ўқувчиларим хатларга кўмиб ташлашди. Уларнинг кўпчилиги бадавлатлик ва бахт формуласи билан бўлишишимни сўраб мактуб ёзишганди.

Мен уларга жавоб қайтаришни истардим, аммо ҳаммасига бирма-бир аниқ жавоб ёзишга шароитим йўқ эди. Бу муаммо ҳақида кўп ўйладим ва бир куни унга йўл топдим: битта узун мактуб ёзаман, токи бу хат уларга жавоб бўлсин!

Бу мактубни ёзишга кетган уч йил вақтим мобайнида ҳамма саволларга жавоб бердим ва хат тобора катталашиб борди. Оқибатда қўлингиздаги каттагина китобга айланди.

Мен бу қўлёзмани ўз дўстим – ношир Марк Алленга жўнатдим. У яқиндагина "Келажаги порлоқ бизнес: тадбиркорларнинг муваффақиятлари борасидаги бошқарув" номли ажойиб китобни нашрдан чиқарганди. Маркка қўлёзмам ёқибгина қолмай, уни босиб чиқариш жараёнида ўзидаги улкан ва кўп бўлган ғоялари-ю фикрларини ҳам қўшди.

Бир неча ойлик ҳамкорлигимиз мобайнида кўпгина хомаки вариантларни тузиб чиқдик ва бунда Маркнинг қўшимчалари анчагина бўлгани учун у бу китобга бемалол ҳаммуаллифлик қилиши мумкин ҳам бўлди.

Натижа ажойиб бўлди: икки келиб чиқишимиз турлича бўлган "қўлбола" миллионерлар қачонлардир олган маслаҳатларимизни ва қўллаган аналиёт

услубларимизни бир жойга жамлаб, яхшигина китобга айлантиришга муваффақ бўлдик.

Ҳосил бўлган натижа эса менинг олдинги ўйлаганларимдан-да зиёда бўлди. Ҳар бир хомаки ёзишмаларимиз менда ишонч ва фахр уйғотиб борди. Ишонаманки, бу китобни сиз муваффақиятингиз йўлидаги кучли "асбоб" сифатида кўрасиз.

Марк Фишер

Кимдаки учишга бўлган иштиёқ уйғонса, судралишни ҳеч қачон хоҳламайди.

Хеллен Келлер

КИРИШ

Муваффақият – бу ҳаётий мавқе. Муваффақият – бу одат. Муваффақиятга кимки астойдил интилса, ўз имкониятларига, иқтидорига ишонса ва ўз истакларини амалда қўлласа, ҳамма осонликча эриша олади

Муваффақиятда сир йўқ! Муваффақиятга эришганларнинг кўпчилиги кўп йиллик меҳнатларини ўз орзуларига ва ҳиссиётларига бағишлаганларини айтишади. Гапларининг асоси шуки, улар ўз ишларини севишади. Улар нима бўлганда ҳам шу ишлари билан шуғулланишган бўлишарди.

Бойлик ёки қандайдир молиявий мувозанат – орзуларнинг ўзгартириб бўлмас қисми, аммо бу маҳсулот ўзингизни ҳаяжон билан бағишлаган ҳаракатлар маҳсули. Тасаввур қила оласизми, Стивен Спилберг кинони ёмон кўрганида ўзининг ўйлаб топган ўзга сайёраликларидан бир кунда миллионларга эга бўла олармиди? Генри Форд машиналарга ишкибоз бўлмаганида муваффақиятларга эриша олган бўлармиди? Донна Каран модани ёмон кўрганида нима бўларди? Биз ўзимиз яхши кўрган ишларни ўз бор билимларимизни за истеъдодимизни ишга солиб қилар эканмиз, бошқаларга зарар

етказмай, яхши уддаласак, аввало ўзимизга, сўнг атрофдагиларга ва бутун оламга улкан фойдали хизмат кўрсатган бўламиз.

Муваффақият аниқ тамойиллар ва мақсадга интилиш омиллари билан белгиланади. Омаднинг ҳам қандайдир ўрни бордир балки, лекин биз биламизки, омад ёқимли имкониятларга машаққатли тайёргарлик қўшилгандагина вужудга келади.

Ёш даражаси, билим борасидаги маълумот, пул, келиб чиқиш, болалик малакаси бу тамойиллар олдида ҳеч нарсани англатмайди. Кўпчилик бойиб кетган "қўлбола" миллионерлар, таниқли рассомлар ва эстрада юлдузлари турли оилаларда вояга етишган: ёшлик пайтларида улар камбағаллик ва қийинчиликларни бошларидан ўтказишган. Мактабда улар бошқалардан анча ортда ҳам қолишган. Ҳолбуки, бундайлар шундай оғир кунларнинг бирида ўзларини қўлга олишган ва қандайдир китобдан руҳланиб ёки кимларгадир ҳавас қилиб, ўзларини муваффақият сари йўналтиришган.

Ёшингиз нечадалигининг фарқи йўқ ёки ҳозирда қандай моддий ҳолатдасиз – бунинг ҳам аҳамияти йўқ: сизга кераклиги – ҳушёрлик ва уддабуронлик, шунингдек, ишонч! Биласиз, энг баланд чўққиларга "нол"дан бошлаб чиқилади, буни кўп мисолларда кўриб келмоқдамиз. Энг зарури – ишонч, буни қилиш мумкинлигига ишониш ва ўзингиз истаганингиздай яшаш учун қатъий қарор қабул қилиш.

Орамизда кўпчилигимиз мукофот бирдан келишини истаймиз ва охирги натижага аҳамият қаратамиз: яъни, таниқли рассом, миллионерлар, кино юлдузларга. Улар бу муваффақиятга қаттиқ меҳнат эвазига эришганларини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Дастин Ҳоффман ҳазиллашиб: "Менинг бундай "тасодифан" таниқли бўлишимга ўн йиллик меҳнатим синган", деганди. "Макдональдс" асосчиларидан

бири бўлган Рей Крок ўз автобиографиясида: "Мен чиндан ҳам бир куни эрталаб бой бўлиб уйғондим – аммо ўттиз йиллик муддат жуда узун тун", деб ёзади.

Ҳамма катта ютуқларга эришган одамларнинг биографияларида асосий бир нарса бор: уларнинг барчалари вақти-вақти билан муваффақиятсизликка учрашган. Кўпчиликнинг муваффақиятга эриша олмасликларига сабаб улар бир-икки муваффақиятсизликдан кейин дарров қўлларини силкитиб, ҳаракатни тўхтатишади. Наполион Хилл ўзининг "Ўйла ва бойиб кет" номли ҳикоясида олтин қидирувчи ҳақида ёзади. Ўша олтин қидирувчи бир неча ойлик изланишлари натижасида ҳафсаласи пир бўлиб, қидирувни тўхтатади, аммо у келиб ўтирган жойида олтин борлигини пайқаб қолади ва у жуда ҳам бойиб кетади. У бу дарсни бутун умрга эслаб қолади ва катта муваффақиятларга эришади.

Ҳозирда янги минг йилликнинг остонасида "муваффақият" сўзи янгича фикрни англатяпти. Кўпчилик одамлар миллионларнинг ортидан қувиб, оилаларини унутиб, соғликларини аямай, меҳнаткашга айланишяпти. Муваффақият ва гуллаб-яшнаш эндиликда ҳаётий мувозанатни белгилайди, ишдан қувонишни, жисмоний тетикликни ва соғликни, ҳаётда оилавий бахтни, атрофдагиларга яхши муносабатни, ички хотиржамлик ва қониқишни ўз ичига олади.

Яқинда "Нью-Йорк Таймс" газетасининг сўровига биноан аниқландики, кўпчилик ишга кам вақт ажратиб, кўпроқ вақтни дўстлар-у оила даврасида ўтказишнинг ўрнига ҳашамат ва моддий манфаат ортидан қувар экан.

Асл муваффақият, албатта, айтиб ўтилганларни ўз ичига олади. Ўзингизни севган ишингизга бағишлаб, сиз атрофдаги одамларга хизмат қиласиз.

Яқин кишиларингизга яхши муносабатда бўлиш ва улар билан суҳбатга вақт ажратиш бу – мақсад. Буни ҳамма қилиши мумкин. Яхшилаб ўйлаб топилган иш юзасидан одатлар – айниқса, фикрлаш одатлари – бойлик ва молиявий ютуқларга йўл очади. Моддий бойлик бизга ўз яхши кўрган ишимиз билан шуғулланишга ва атрофдагиларга ёрдам беришимиз учун етарли мустақилликни беради.

Қадимги хитойликларнинг мақолларидан бири қуйидагича янграйди: "Минг милли йўл биринчи қадамдан бошланади". Сиз бу китобни ўқишни бошлаб, муваффақиятингизга ва орзуларингизни амалга оширишга биринчи қадамни қўйдингиз. Ҳаётингиз ўзингизнинг танловингиздан иборат. Китобнинг асл маъноси – сизнинг нимани исташингизни аниқлаш учунгина эмас, мақсадларингизга етишишингизда ёрдам беришдир.

Балки кўпчилик қатори сиз ҳам ишсиздирсиз ёки ишингиздан қониқмаётгандирсиз. Қандайин қийинчиликларни бошингиздан ўтказсангиз-да, сиз барибир бу ишсизлик ва инфлация даврида ўзингизга яраша ишни топа оласиз. Баъзилар бу ҳаётда ҳамиша ҳам ўзингиз ёқтирган ишни қилавермайсиз, деб нотўғри ўйлашади. Ҳар бир инсон ўзини қониқтирадиган ишни топиши ва шуғулланиши мумкин. Ахир, бу сизга ҳам фарз ва қарз-ку! Сизнинг камбағаллигингиз, касаллигингиз, ёлғизлигингиз ҳеч кимга фойда келтирмайди.

Битта эҳтиёткорлик: сизга кўп бора тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз ишингизни очишни айтишади. Бу дегани шу пайтгача машғул бўлиб юрган ишингизни ташланг ва ўз бизнесингизни очинг, дегани эмас. Бундай ишни бошлашга ҳамма ҳам мослашмаган. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун алоҳида феъл-атворга эга бўлиш ва бу соҳадаги асл вазнни сеза билиш керак. Агар сиз

бундай турткига эга бўлсангиз, тадбиркорликка керакли асосий сифатга эгасиз ва бу китоб уларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бундай сифатларга эга бўлмасангиз-да, бу китоб ҳаётингизнинг яхшиланишида ёрдамчи бўлади, ички туйғуларингизга, ишончингизга қарши чиқмаган ҳолда моддий ва омма орасидаги мавқеингизни мустаҳкамлайди.

Биринчи қарашдаёқ ўзингизни алданиб қолишдан асранг. Бу олтинга тенг, аммо оддий кўринган қоидаларга бепарво бўлманг. Энг осон ғояларни, вақти келса, ҳаётга тадбиқ этиш қийин кечади. Айнан шулар ҳақида бош қотиринг, вақтингизни аяманг. Уларни ҳаётингизга тадбиқ қиляпсизми? Улар сизнинг ҳаётингиз ва иш борасида бир қисмни ташкил қиладими?

Китобни аста-секинлик билан, шошилмай ўқинг. Ўқиганларингиз устида фикр юритинг ва кунлик ҳаётингизга тадбиқ қилинг. Ушбу китобда қайтаришлар бор, ахир бу яхши-ку, такрорлашлар онгингизга ўқиганларингизнинг сингишига ёрдам беради. Улар сезилмаган даражада сизда ўзининг фойдали ишини бошлайди. Ана шунда ҳаётингиз қанчалар яхши томонга ўзгарганини кўрасиз.

"Менга дастак нуқтасини кўрсатинг ва мен ерни кўтараман", деган экан Архимед. Муваффақиятга эришиш учун дастак кучи керак. Сиз айнан шу китобнинг саҳифаларидан ўша кучни ва ёрдамни топасиз.

I БОБ. НИМАДАН БОШЛАШ КЕРАК

Олдинга силжиш учун асосийси – бошлаш керак.

Бошлаш учун асосийси – улкан ва кўтариб бўлмайдиган ишни кичик этапларга бўлиш лозим ва уларни биринчисидан бошлаш шарт.

Марк Твен

Грек файласуфи Суҳроб ўзининг кучсиз томонларини яхши билган. У одамларнинг мукаммалликка интилиб ривожланадиган, ўсишга ва ўзгаришга мойилликларини тушуниб етган. Одамлар доим юксаладилар. Бизнинг устунлик томонларимиз шунда. Ва бу ўзича юксалиш одамнинг ҳаётида исталган пайтда рўй бериши мумкин.

Муваффақиятга эриша олишингизга ишонинг

Бирор муваффақиятга эришиш учун шундай муваффақият борлигига ишонишингиз лозим. Бу сўз бир муҳрдай янграяпти, тўғрими? Аммо бир тўхтаб ўйлаб олинг ва нимадан бошлашингиз мумкин? Сизнинг ҳаётий тажрибангиз сизнинг ишончингиз билан белгиланади – бошқа йўлнинг ўзи йўқ. Олдин нималарга ишонганин-

гизнинг фарқи йўқ – сиз ўз ишончингизни ва ҳаётингизни ўзгартиришингиз мумкин. Муваффақият чуқур ишончсиз амалга ошмайди. Бизга кўпинча қуруқ орзуларга вақт сарфламанг, биз реалист бўлишимиз керак, нимани истасак, ҳаммасига эга чиқа олмаймиз, дейишади. Биз шунга ўхшаш сўзларни эшитиб, бойлик чиндан ҳам ҳаммага насиб қилавермайди, деб ишониб борамиз. Муваффақият биз бормаган, танланганлар учунгина таклиф қилинган ўтиришда бериладиган нарсадай туюлади.

Аммо бу – нотўғри! Агар муваффақият ва гуллаб-яшнаш – танланганлар учун клуб бўлса, бундай фикрни мияларига жойлаб олганлар учун бу клубга кириш охирги пайтларда ҳам қийин бўлади. Ҳар қандай ишда гуллаб-яшнаган одам ўз ҳаётининг қайсидир вақтида "Қачондир муваффақиятга эришаман!" деб бир марта бўлса-да, хаёлидан ўтказган ва ишонган.

Бизнинг муваффақият борасидаги тушунчамиз миямизда чуқур илдиз отган бўлиб, омадга эришишдан олдин бу қарашларимизни ўзгартиришимиз лозим. Ўз ички дунёингизни ковлаштиринг, ўз ишончингизни ўрганинг, улар сизнинг ҳаётингизга қандай таъсир қилаётганини текширинг ва ўрганинг. Айнан кўпчилик одамларнинг дунёқарашлари астойдил ўрганиб чиқилмаганлиги учун муваффақиятга эришишларига халақит беради. Марк Аллен ўзининг "Келажаги порлоқ бизнес" номли китобида бу ғояларни қуйидагича ёзиб изоҳлайди:

"Вақти-вақти билан одам ўзи яшаб ўтган ҳаётини бир бошдан кўриб чиқишга вақт ажра-

тиши лозим. Биринчи навбатда ўтган умримизга назар солишимиз керак, унга ҳақиқат кўзи билан қарашимиз ва ҳаётимизни бошқариб келаётган ундаги муҳим воқеаларни топишимиз зарур, шунингдек, уларнинг келиб чиқишига аҳамият қаратишимиз лозим. Ўша ўтган воқеалар бизнинг ишончимизни оширган бўлиши мумкин ҳамда уларни ёдга олишимиз, ичимизга сингдиришимиз ва қўллашимиз ҳам керак. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда потенциалимизга қараган, у ёки бу кўринишда бизни қўллаб-қувватлаган одатлар бўлган. Ҳар биримизнинг ёшлигимизда ўз иккиланишларимизни, ишончсизлигимизни, ғуруримизни енгиб турадиган кучимиз бўлган. Вақти-вақти билан бу нарсалар ҳақида фикрлашимиз керак. Ҳаётимиздаги ёмон кунларни ҳам ёддан чиқармаслигимиз ва ўша кунларни қайтармаслик учун уларни эслаб туришимиз лозим. Ўша нохуш воқеалар, одатлар ёдга олинса, улардан қутилиш осон кечади. Ўзлигимизни англаш жараёнларини ўрганиб чиқар эканмиз, бизни ҳаётга, тақдиримиз сари йўллайдиган кучни ҳис қила бошлаймиз ва бу кучга таъсир кўрсатишни ўрганамиз, ўз ҳаётимизни бошқара олишни ҳам билиб оламиз".

Сизни муваффақиятга бўлган қарашларингиз қандай? Фикрларингизни астойдил тафтиш қилишдан қўрқманг; балки шунда сиз муваффақият йўлида қанчалар баланд тўсиқларни енгиб ўтганингизни кўрарсиз. Агар сиз буни тушуниб етсангиз, ўз олдингиздан чиқадиган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўта олишингизга ишонасиз, хаёлингизга келмаган даражада ҳа-

ётнинг ҳар бир жабҳасида бундай тўсиқларни осонликча енга оласиз. Ҳар куни ўнлаб ёқимли имкониятлар олдингизда очилади. Ютуқли ғоялар сизнинг миянгизга келади, аммо сиз кўпинча уларни амалга оширишга ҳаракат қилмайсиз.

Бу китобда кўтарилган ўз-ўзини руҳлантириш санъати ҳақидаги сўз олтинчи сезгингизнинг ишлаб кетишига, муваффақият сезгисининг пайдо бўлишига ёрдам беради. Сиз бу сифатларга эгадирсиз, аммо ўзингизда борини билмайсиз. Сиз улардан фойдаланишни ўрганишингиз лозим ва буни жуда осонлик билан ўрганиб оласиз.

Муваффақиятсизликка учрашдан кўра ютуққа эришиш қийин эмас

Кўпчилик одамларга омадсизлик ҳаётий тушунчага айланиб қолади. Омадсизлик одатини синдириш қийин; ижтимоий шароит бизни руҳлантиради, аммо ижтимоий тарбия ўзимизга бўлган ишончни йўқотиб, бизнинг қанотларимизни кесади. Биз муваффақиятга эришишимиз учун муваффақият аслида омадсизликдан қийин эмаслигини тушуниб етишимиз керак. Фақат бу тушунчаларимизга зид бўлмаган ҳолатда ақлимизни ўзгача дастурлаш лозим.

Ахир, ҳар бир омадсизлик турли ҳолатларнинг маҳсули эмасми? Ўйлаб кўринг: омадсизликка учраш йўлида нималарни бошдан ўтказиш керак: сиз юз фоизлик имкониятни қўлдан бой берасиз, ҳар бир ишни бошлашдан олдин

ўзингизни тўхтатасиз, сизни муваффақиятга эришишингизда ёрдам бермоқчи бўлган одамлар билан учрашишдан қочасиз, сизни бирор нимали қила оладиган ғояларга қўл силтайсиз ва омадсизликка олиб борувчи ҳаракатларни кўп бора қайтарасиз. Омадсизлик – оғир куч талаб қиладиган қўштирноқ ичидаги ҳақиқий "юксалиш", одатда буни онгимиз одатий ҳолдек қабул қилади. Агар сиз онгий қараш кучларингизни омадсизликка эмас, муваффақиятга эришиш йўлига қаратсангиз, албатта, ютасиз! Бу аниқ!

Одамлар ўзларини муваффақиятдан чегаралаб қўйиб, қилган ишларини оқлаш учун баҳона қидиришади. Қанчадан-қанча баҳоналарни ўйлаб топишмади улар! Сизнинг фикрларингизда ҳам шунга ўхшаш баҳоналар борми?

- **Эски ўтган замонларда ҳаммаси бошқача эди!**

Бу баҳонани ҳар куни эшитишимиз мумкин. Бундай нотўғри фикрлайдиган, узоқни кўра билмайдиганлар ишсизликни ва иқтисодий пасайишни пеш қилиб юришганда ҳар йили гуллаб-яшнаётган кичик корхоналар очилиб, ишга тушяпти. Минглаб, дунё бўйлаб эса йилига миллионлаб одамлар миллионерларга айланишяпти! Бир ўйлаб кўринг, қанча кинолар ишлаб чиқариляпти, қанча китоблар нашрдан чиқяпти, қанча янги имкониятлар, компьютер бизнесида ва оммавий ахборот воситаларида интерактив соҳалар очиляпти! Муваффақиятга эришиш мумкингина бўлиб қолмасдан, бал-

ки илгаригидан кўра унга эришиш жуда осон бўлиб боряпти. Дунёнинг ҳар бир бурчаги ғояларингиз ва молларингиз билан савдо қилишингизга очиқ. Муваффақият ташқи шароитга унчалик боғлиқ эмас, у сизнинг ақлий имкониятингиз ва ўзингизга бўлган муносабатингизга, сизни ўраб турган оламга боғлиқ.

- **Мен ҳали ёшман!**

Бу сўзни Mrs. Fields Cookies компаниясига асос солган, йигирма ёшлигида муваффақиятга эришган Дебби Филдсга айтинг-чи! Ёки Apple Computersнинг асосчиси, биринчи миллионларини йигирма уч ёшида, ўн миллионларини йигирма тўрт ёшида, юз миллионларини йигирма беш ёшида топган Стив Жобсга нима дейсиз?! Ёшлик – кўп ҳолатларда қўшимча ютуқдир. Тарихдан маълумки, кўпчилик миллионерлар ҳеч қандай тажрибасиз, иш жараёнида ўқиб-ўрганиб гуллаб-яшнаб кетишган.

- **Мен анча қариб қолдим!**

Полковник Сэндёрс ва Жоржия О`Кифи сизнинг бу гапингизга қўшилмаган бўлишарди. Наполеон Хилл томонидан қилинган текширувлар натижасига қараганда, кўпчилик одамлар ёшлари анчагинага борганда ўз мақсадларига эришишар экан. Кўпчилик ҳаётининг иккинчи ярмида нафақани ўйлашни бошлаб юборганда баъзиларга ёшликдаги меҳнатлари маҳсулининг ҳузурини кўришга йўл очилар экан. Меҳнат одамни ўлдирмайди, аксинча, ишсизлик ўлимга олиб бориши мумкин; эрта хотир-

жамликка кетган инсонлар қуёшлари ботиш арафасида турганда ҳам ишлайдиган одамларга қараганда эрта вафот этишади. Баъзи одамлар нафақа ёшларида ишларини очишади ва ўзларининг хаёлларига ҳам келмаган ютуқларни қўлга киритишади. Гап ёшда эмас! Кўп йиллик тажриба, ҳатто у омадсиз тажриба бўлган бўлса-да, сиз учун қимматбаҳодир.

- **Менда пул йўқ!**

Аслида, бошидан ҳаммада ҳам пул бўлмайди. Муваффақият сари йўл учун пул эмас, ижодий ғоя ва ўз ўрнига эга юксаладиган руҳий жараён керак. Ҳар бир инсонда, ҳеч бўлмаса, биттагина иқтидор бўлади, биргина ҳиссиёт, биргина иштиёқ, агар у тўғри қўлланса, даромад келтириши мумкин. Янги ғоялар учун ва фойдали ишлар учун доимо пул топилади.

Кўпчилик оилаларда камбағаллик меросдай авлоддан авлодга ўтиб келади. Доимо камбағаллик ҳукм сурган оилаларнинг бир кун келиб бойиб кетишларига унчалик ишониб бўлмайди. Уларнинг ўзларига қарашлари ва фикрлари ишончсизликдан ҳамда писсимизмдан (тушкунлик) иборат. Аммо бу қоидани рад қила оладиган баъзи вазиятлар бор. Тарихдаги бой актёрлардан бўлмиш Чарли Чаплинни олайлик. Бекорчиликдан Лондон кўчаларини кезиш билан унинг ёшлиги камбағалликда ўтган. Камбағалликнинг оғир юки кўпинча одамларни ёшликданоқ қийинчиликларни енгишга ва буюк ишларни амалга оширишга итаради.

- **Мен билимсизман!**

Модельер Донна Каран ҳам бирор билимга эга бўлмаган. Томас Эдисон ўн олти ёшга бормай, мактабни ташлаган. Билл Гейтс коллежлан кетишга мажбур бўлганди.

Ўз ишларини очиб муваффақиятга эришган кўпчилик бизнесменлар ҳаммамиз мактабларда оладиган билимимизга унчалик эга эмаслар, улар бойитиб юборган ўз ишлари юзасидан чуқур билимлар эгасидирлар.

- **Менда туғма иқтидор бўлмаса-чи?!**

Бунинг кераги ҳам йўқ. Кўпчилик муваффақиятларга эришган одамларда олдинига келажакдаги шон-шараф ва бойлик кузатилмаган. Поль Гетт айтади: "Мен бизнесмен бўлиб туғилмаганман". Кўпчилик одамлар ҳаётларини ўзгартира оладиган ўзларида қобилият йўқ, деб ўйлашади. Аслида, ҳар бир одам берилган қандайдир ягона қобилиятга эга бўлади. Агар биз ўзимизга берилган қобилиятни оча билсак, унинг келажакдаги ривожи бизнинг асосий мақсадимиз бўла олади.

- **Мен керакли шижоатга эга эмасман!**

Шижоатнинг босқич фарқлари асосан муваффақиятга эришган ва омадсизликка учраган одамларнинг ўртасида сезиларли бўлади. Ҳар бир руҳий ва ақлан қилган ҳаракатимиз биздан керакли шижоатни талаб қилади. Ҳаётий шижоатнинг паст даражадалиги ички қарашларимизга таъсир кўрсатади. Бу жиҳат ҳам ўтиб бўлмас, мустаҳкам доирани ўзида му-

жассам қилган. Аммо биргина кичкина учқун ичимиздаги мудраб ётган шижоатни аланга олдириб юбориши ҳам мумкин. Керакли шижоат ҳаммамизда бор ва чегарасиздир. Шунчаки кўпчиликда у мудроқ ҳолда бўлади ва уйғотишларини кутиб ётади.

Бир вақтнинг ўзида кераксиз ишлар учун қанча шижоатни сарф қиламиз, яхши кўриб қиладиган ишларимизни четга суриб, ўзимиз яхши кўрмаган ишларни бажарамиз. Ўйлаб кўринг, яхши кўрган ишингизни қилсангиз, шижоат қайнаб чиқади ва вақт қанчалар тез ўтади. Ўзимизга қизиқарли бўлган иш билан шуғулланса: ва бу бизга роҳат бағишласа, шижоат ҳеч қандай тўсиқларсиз ичимиздан отилиб чиқади.

- **Муваффақиятсизликка учрашдан қўрқаман!**

Биз туғилганимиздан бери икки нарсадан қўрқамиз: йиқилишдан ва қаттиқ овоздан. Бошқа қолган қўрқувлар енгиб ўтилган. Афсуски, муваффақиятсизликка учраш қўрқинчи жуда кучли ва кенг тарқалган, у сизнинг эркингизни бўғади. Бор бўйи билан миямизда илдиз отган бўлиб, ўтмишдаги омадсизликларимизни эслатиб, ўзимизга бўлган ишончни сўндиради, негатив таъсирини кўрсатиб, узоқни кўра билиш фикрларимизни чалғитади.

Омадсизлик қўрқуви кўпинча очиқчасига бўлиб, ниқобланган ҳолатда онгимизга сингиб боради. Одамлар ютқизишдан қўрқаётганларини тан олишмайди, унинг ўрнига муваффақият-

ларга эришиш йўлида ҳаракат қилаётганларни ҳаводан қаср қурмоқчи бўлишяпти, деб уларнинг ғоялари ва орзулари устидан кулиб юришади. Улар баҳона топишга устаси фаранглар: оила олдидаги мажбурият, турли муаммолар, вақтнинг етишмаслиги, пулнинг йўқлиги. Ахир, сизнинг ишингиз сизга ва оилангизга фойда келтирса, ёмонми? Вақтни ўзингиз ўйлаб топган нарсага ажратсангиз, ёмонми? Ахир, ўзингизнинг бошқарувингиз кўп муаммоларни ечишингизга ёрдам бермайдими?

Яна шундай одамлар ҳам бор, яъни "қанийди" дейдиганлар. Қанийди, бошлиқлари унга аҳамият қаратганда эди. Қанийди, уларнинг бошларига яхши ғоя келса эди. Қанийди, уларда истеъдод ва малака, вақт, пул ёки омадлари бўлганда эди. Қанийди, улар бошқача шароитда туғилишганда ёки бошқа буржга мансуб бўлишганда эди...

Аниқки, ҳеч нарса қилмай, муваффақиятсизликка учрамаслик мумкиндир. Лекин ютуққа ҳам эришиб бўлмайди. Муваффақият ҳеч нарсадан, ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У аниқ бир ҳаракатларнинг ва ақлий шижоатнинг маҳсулидир. Томас Эдисон лампочкани ўйлаб топаётганда 10.000 та мағлубиятли уринишларни амалга оширган. Абраам Линкольн АҚШ президенти бўлишдан олдин ўн саккизта сайловни ютқазган. Биз муваффақиятсизликни оқламаймиз, лекин ҳар бир мағлубият, агар уни очиқ кўнгил билан қарши олинса, ўзида ўрганса арзийдиган яхши дарсни мужассам қилган.

- **Бошлаган ишим ривожланиб кетмайди.**

Одамларнинг эркини бўғадиган омадсизликдан қўрқиш ҳисси сабабларидан бири улар қачондир ўтмишларида инқирозга учрашган ёки улар шундай деб ўйлашади. Ҳар қандай янги "омадсизман" деб қарашади, бу эса янги муваффақиятсизликларга йўл очади. Ва бора-бора одатга айланиб қолиши ҳам мумкин. Одамлар бундай қийинчиликлардан, ютқизиш ва ҳайрон қолишлардан сўнг ҳаёт шундай тўхтами йўқ курашлардан иборат экан, деган тўхтамга келишади.

Сиз шу пайтгача нега муваффақиятсизликка учрадингиз? Балки ўзингиз шуни хоҳлагандирсиз. Агар сизга белгиланган ютуқ ҳамиша қўлингиздан сирғаниб тушиб кетаверса, ўзингиздан сўранг: нега ўзингизни шунга маҳкум қилдингиз? Кейин эса ўзингизни ишонтирингки, энг ёмон дастурлашларни ҳам тезкорлик ва бутунлай ўзгартириш мумкин.

Яхшилаб ўзингизни ўрганиб чиқсангиз, ичингиздаги муваффақиятга бўлган иштиёққа қарши кучнинг қанчалар катталигини билиб, ўзингиз ҳам ҳайрон қолсангиз керак. Сизни кўпчилик одамлар ўзлари ҳақида айтиб юрадиган сўзлари лол қолдирса, ажабмас. Битта керакли билдириш: сизнинг миянгиз ҳамиша ўзингиз учун ёқимли нарсалар учун ишлайди – шунчаки у анча эскириб қолган мақсад сари интилади. Масалан, ёшликдаги шижоатингиз ва интилишларингизга ота-онангиз ҳамда яқинларингиз томонидан танқидий қаралгани

бунга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолат сизни жуда камгап қилиб, ўз истакларингизни айтишдан тийиб қўйган. Эндиликда вояга етдингиз, эшитилмас ва кўринмас бўлишдан фойда йўқ – сизнинг онгингизга ҳеч ким мана шу тушунчани сингдирмаган.

Келинглар, муваффақиятсизликка қуйидаги бурчакдан қарайлик: уларни муваффақият сари мақсад учун пиллапоялар деб билайлик. Улар аксил ахборот сифатида жуда қўл келади. Ахир, ҳар бир муваффақиятсизликдан яхши дарс олиш мумкин эмасми? Муваффақиятсизлик – ўқиб-ўрганиш ва юксалиш учун дастак. Аслида, муваффақиятсизлик тушунчаси йўқ нарса: шу бурчакдан қараганимизда бу бизнинг муваффақият йўлидаги ўқиб-ўрганишларимиздир.

Сизнинг шароитингиз агар бирор ҳаракат қилмасангиз, ўзгармас бўлиб қолаверади. Бу бор гап. Шундай экан, нега кўпчилик одамлар лотарея ютуғига ёки бирор сир-синоатга ишонишади? Кўпчилик одамлар қандайдир сеҳр йўли билан ҳаммаси ўз-ўзидан яхши томонга ўзгаришига ишониб яшашади. Кейин эса ҳайрон қоларли даражадаги саросима бошланади. Омадни бизга ҳеч ким товоққа солиб олдимизга қўймайди; биз ҳаракат қилишимиз керак, биз эски қарашларимизга чек қўйишимиз лозим, биз муваффақиятсизликдан ҳайиқмай, таваккалга қўл уришимиз даркор.

Кўпчилик одамлар уларга пул керак бўлса, нима қилишади? Кимдир қарз олиб, бўйнигача қарзга ботади. Кўпчилик белбоғини қаттиқ

тортиб, имкониятларнинг осонига ёпишадилар. Оламга ва ўзларига чақириқ ташлаш ўрнига, орзуларини амалга оширишга ҳаракатни бошлаш ўрнига ўзларининг орзуларини чегаралайдиган имкониятларга эътиборларини қаратишади. Улар қандайдир мўъжизага ишонишади ва пассив кутиладиган ўринни танлашади. Мўъжиза эса содир бўлмаслиги тайин.

Бизнинг ҳаётимиз қарашларимиз билан белгиланади – чексиз муваффақият, чексиз ишонч тизимидан вужудга келади

Ўз молиявий аҳволингизни яхшилаш учун яхши иш топиш, маошнинг ошишига эришиш, даромадни икки баробарга кўпайтириш, яхши жисмоний ҳолатга ва мустаҳкам соғликка эга бўлиш, ўз ҳаётини юракдан ўзгартиришни исташ керак. Сиз ҳаракатни бошлашингиз ва турли имкониятларни қўллаб, ўз ўрнингизни ўзгартиришингиз лозим. Бу сизнинг асосий режалаштирган мақсадингиз бўлсин. Сизга қатъий қарор ва эркдан бошқа кучнинг кераги йўқ. Бу ҳақда Казуо Инамори, Куосега International компаниясининг директори ва "Муваффақиятга иштиёқ" китобининг муаллифи шундай ёзади:

"Тадбиркор, аввало, нимага эришмоқчилигини аниқ белгилаб олиши лозим. Биргина хира орзуларнинг ўзи етишмайди. Ўзингиздаги кучли истакни такомиллаштиринг, фойдали йўналишни аниқлаштиринг, улар сизнинг онгингизнинг ажралмас қисмига айлансин".

Кўпчилик одамлар ўз ҳаётларини яхши томонга ўзгартиришни исташади, лекин уларнинг уринишлари кўпинча муваффақиятсизликка учрайди. Бунга сабаб хира ниятларини ҳаяжонли истакларига алмаштириб қўйишади.

Оддий истаклар – кўп тарқалган ҳиссиёт. Кучсиз хоҳлаш пассив ва ўзгарувчан бўлади. У керакли кучга эга эмас, у сизнинг енгни шимариб, тўсиқларни забт этишингизда ва керакли натижага эришишингизда ёрдам бермайди. Чин истаклар – бу сизни ҳаракатга ундовчи туртки бўлиши мумкин. У ишни кейинга қолдиришни ёқтирмайди. У ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиши мумкин. У сизга қанот бағишлайди.

Бир куни донишмандниng шогирди етакчисидан "Донишмандликка эришиш учун нима қилиш керак?" деб сўрайди. Донишманд шогирдини дарё бўйига етаклаб бориб, унинг бошини сувга тиқади, шогирди қаршилик кўрсата бошлайди, бир неча дақиқалардан сўнг донишманд шогирдини бошини сувдан олди ва сўради: "Бошинг сувдалигида ҳаммасидан ҳам нимани хоҳладинг?" деб сўради. "Нафас олишни истадим", деди қўрқиб кетган шогирд, "Донишманд бўлиш учун ҳам шундайин истак ва хоҳиш керак", деб жавоб берган экан донишманд.

Ҳаёт сизга юракдан нимани хоҳласангиз, беради. "Сизнинг хоҳишларингиз қанчалар улкан ва буюк бўлса, сиз шунчалар буюк бўла оласиз, - деб ёзганди ўзининг "Сиз қандай ўйлайсиз" номли китобида Жеймс Аллен. – Сиз агар юрагингизга улкан орзуларни жойлай олсан-

гиз, улкан идеалларга айланиб, яққол кўриниш беради".

Сиз бу китобни ўқиётган экансиз, демак, ўз ҳаётингиздан мамнун эмассиз. Қониқмаслик жараённинг кучли ўзаги бўлиши мумкин: у орзуларни ёқади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, кўпчиликнинг болалиги қийин кечган ва болаликдан маҳрум ҳам бўлишган. Улар таҳқирлашларни ҳам бошларидан ўтказишган. Уларнинг бундай нохуш ҳолатдан чиқиб кетишга бўлган кучли истаклари ўз орзуларини амалга оширишга туртки бўлган. "Инсон энг кучли истакка эга бўлса-да, шароит ўзгариши мумкин, - дейди Иномери, - лекин бу шарт-шароитни баҳона ўрнида қўлламанг. Сиз кўзланган ва кутилмаган ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишингиз керак".

Ўз юрагингизга жойлаётган орзуларингиз қалбингизнинг ҳурматга сазавор қисмига айланиши керак. Орзу қилишдан тўхтаган одамлар бўш ва маъносиз ҳаёт кечиришади. Сиз билан бундай бўлишига йўл қўйманг. Ҳаёт тарзингизни ўзгартиринг, орзуларингизга эрк беришдан қўрқманг, улар ўзларининг ортларидан сизни эргаштиришсин.

Бу фалсафа сизга эриш туюлиши мумкин, чиндан ҳам шундай. Бундай орзуларсиз дунёда буюк нарсалар вужудга келмаган бўларди. Одамлар учишга ўргана олишмаган бўларди; эпохали кинолар ишланмаган бўларди; Форд оммавий автомобилларни ишлаб чиқармаган бўларди; Эдисон дунёни ўз лампочкалари билан ёритмаган бўларди. Ўта қатъиятлилик,

ўзбилармонлик, фикрлашдаги қатъий рационализаторлик муваффақият йўлидаги поғоналардир. Биз эндиликда ҳаракатдаги ўта эҳтиёткорликка чақирмаймиз. Аммо ҳақиқат шундаки, ҳамма улкан топилмалардаги муваффақият ўзагида орзулар, кўтаринкилик ва чин истак ётибди.

Муваффақият калити сизнинг истакларингиз ва улкан орзуларингиз ичига яширинган.

Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар

Билдириш ўрнида биринчи бобдаги муваффақиятга эришиш йўлидаги тўртта вазиятни таъкидлаб ўтамиз.

1. *Муваффақиятнинг борлигига ишонинг.* Илк муваффақият сари йўл бу – мақсадга эришишга ишонч ва ўзига бўлган ишонч. Бу ишончга ўзини тайёрлаш ва қатъий дастурлашни амалга ошириш билан эга чиқилади. Сиз ўзингизга ёки ўз ғояларингизга ишончингиз йўқ экан, бунга бошқа ҳеч кимни ишонтира олмайсиз. Муваффақият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни сизга ҳеч ким товоққа тортиб, олдингизга қўймайди. Сиз дуч келадиган тўсиқлар ва қийинчиликларни енгишингизда сизни муваффақият сари етаклайдиган ўзингизга ишончни йуқотмаслигингиз керак бўлади.
2. *Тушунинг, сиз турган ҳолат, агар ҳаракат қилмасангиз, бирор мўъжиза туфайли ўзгармайди.* Олдинги одат ва ҳаракатла-

рингиз билан қолаверсангиз, қуйидагича йўналишга дуч келасиз: агар сиз қилишингиз керак бўлган ишга қатъиятлилик билан ёндашмас экансиз, муваффақиятсизликка учрашингиз тайин. Агар сиз бирор нарсага ишонмасангиз, ўз онгингизни дастурлашдаги жамоага, сизга ёрдам берадиганларга нотўғри ахборот жўнатсангиз ҳам, омадсизлик доим ёнингизда бўлади. Ҳаддан зиёд ўзига ишониш бирор муваффақиятга олиб бориши мумкин, бу эса аниқ бир муваффақиятсизликка тенг ҳам бўлиши мумкин. Иккиланишлар натижага ёмон таъсир кўрсатади.

3. *Чин дилдан ўз ҳаётингизни яхшилашни истайсиз.* Муваффақиятдан сизни ажратувчи ўзингизни оқлашга рўйхат тузинг ва ички монологларни ҳам қўшинг. Бу жуда кераклн босқич. Бу сизни ушлаб турган ишончларни енгиб ўтишингизга ёрдам беради. Сиз уларни босиб ўтсангиз, уларни енгишингиз мумкин. Омадли одамлар ўз фикрларини иккиланишлардан тозалашни билишади. Улар жуда ҳам ўзларига ишонишади, ўз режаларини амалга ошириш жараёнида ҳар қандай тўсиқни енгишга қодирлар.
4. *Орзу қилишдан чўчиманг.* Муваффақият калити сизнинг орзу ва истакларингиз ичига яширинган. Сизнинг онгингизга фақат ўзингизча чегаралаган ишонч ва қистовларнигина жойлаб олгансиз, бу таъкидловларни ушбу китобдаги асбоблар ёрдамида ўзгартириш мумкин.

II БОБ. БОЙЛИК – БУ АҚЛНИНГ ҲОЛАТИ

Онг – улкан куч, биз ҳамма нарсани ташкил қиладиган онгимизга таянамиз. Бу фикрлаш асбобидан умрбод фойдаланиб, ўз келажагимизни барпо қиламиз, биз минглаб қувончлар ва минглаб қулфатларни олиб келамиз. Биз сирлар устида ўйлаб қоламиз ва у сир бўлмай қолади, ахир бизнинг дунё – бу шунчаки аксимизни кўрсатувчи ойна-ку.

Жеймс Аллен

Кенг тарқалган хатоимиз шундан иборатки, биз уни ўз ичимиздан эмас, аксинча, ташқаридан қидирамиз. Муваффақият – бор нарса. Ҳақиқий бахт одамнинг ўз ичида бўлганидек, муваффақият ҳам инсоннинг ичида пайдо бўлиб келади. Муваффақият асосан ақлий феълнинг натижасидир. Бу феълни нима деб атасангиз – атанг: бойларнинг менталитетими, муваффақият негизими, онгий жиҳатдан гуллаб-яшнашми... Муваффақият – бу ички туйғуларнинг ташқарида намоён бўлиши, алоҳида мақсадга йўналтирилган фикрлаш маҳсули.

Афсуски, кўпчилик буни тушунмайди. Аслида, ҳамма қуйидаги бобларда келтирилган

тамойиллар буюк, серқирра ҳақиқатга олиб боради: онг ҳамма нарсага қодир! Ҳақиқий бойлик – бу, энг аввало, ақлнинг мавжуд ҳолати, шундай ҳолатки, бойларнинг ҳаётларида ва уларнинг гуллаб-яшнашидаги моддий бойликни ўз ичига олади. Бой бўлишдан ва ҳаётда муваффақиятга эришишдан олдин биз ўз фикрларимизда бой ҳамда муваффақиятли бўлишимиз керак.

Онгий тафаккурнинг табиатини аниқ тушунишимиз лозим. Одамларга кўп бора муваффақиятнинг борлиги ҳақида гапириб, унинг борлигига ишонишларига қанчалар ҳаракат қилганингиз билан, афсуски, уларнинг кўпчилиги ўз ўтмишларидаги ёмон малакаларига ўралашиб қолишган. Улар ўзларида, Фридрих Ницше айтганидек, "ҳукмронлик сари эркни" ривожлантира олишмайди. Ўзига ишончи бўлмаган беқарор, пассив, кучли ички туйғуларга эга бўлмаган одамлардан керакли ҳаракатларни талаб қилиб бўлмайди. Онгий тафаккур кучининг механизмини очиб, инсон кўп тўсиқларни енгиб ўтиши мумкин.

Бизнинг онгимиз чегара билмайди

Биз ўзимиз – ўз бахтимизни яратамиз ва бахтсизлигимизга сабабчи бўламиз. Бу таъкидлашни тушуниш бизга энг яхши мисол бўлиши мумкин.

Муваффақият калити – бу онгимизни тўғри ишлата билиш. Бизнинг ҳаётимизга таъсирини ўтказадиган - ятлар, пул топишдаги имко-

ниятлар шунчалик турли-туманки, ҳамма учун бир хилдаги муваффақият формуласини тавсия қилиб бўлмайди. Мўъжизавий равишда таъсир қиладиган муваффақият қўлланмалари йўқ, аммо ҳамма муваффақиятлар тарихида биргина умумий сабаб бор – бу ички келажаги порлоқ мослашиш.

Ташхис ва тадқиқотларнингн ўз чегараси бор. Кейин бизнинг олтинчи туйғумиз ишга киришади, баъзилар буни иш борасида олдиндан сеза билиш ёки интуиция деб аташади, ақлни дастурлашдаги ва керакли пайтда фойдаланилган онгий натижа деса ҳам бўлади. Инсоний онгни айсберга ўхшатса ҳам бўлади: унинг кичик кўриниб турадиган жойи онг, кўринмайдиган пастдаги катта бўлаги – бу онг остидир. Онг ости инсон ҳаётида баъзи одамлар ўйлашларидан кўра катта аҳамиятга эга. Бу одатларимиз ва чегараларимизни тўплаб юрадиган жой. Биз нима деб ўйламайлик, айнан онг ости туйғуларимиз – ташқи вазиятлар эмас – одамнинг муваффақиятига ҳамда омадсизлигига жавобгар бўлади.

Онг ости туйғуларини ўрганиш ва уларни машқ қилдиришнинг турли йўллари бор. Улардан бири бу – бизнинг ишончимизга боғлиқ. Питер Сенж ўзининг "Бешинчи интизом" номли китобида қуйидагиларни ёзади:

"Кўпчилигимиз истакларимизни амалга оширишда имкониятларимизни чегаралаб қўядиган, ҳеч бўлмаса, иккита ишончга суянамиз. Уларнинг кўп тарқалганларидан бири – ўзимизда куч топа билмаслигимиз, ўзимиз истаган ва хоҳлаган нарсамизни амалга ошира олмаслиги-

мизда. Икинчиси – биз ўзимиз истаган нарсага нолойиқмиз, деб ўзимизни ишонтиришимиз.

Онг остини дастурлашнинг кўп йўллари бор. У маданият ва ишончимиз билан дастурланади. Яхши биламизки, мисол учун, ишонч бизнинг уни қандай қабул қилишимизга ўз таъсирини ўтказади: агар сиз бир одамни ишончга лойиқ эмас, деб билсангиз, сиз унда доим иккиюзламачиликни, қайсарликни кўрасиз, сизнинг бу қарашларингизни маъқулламайдиганлар сиз кўрганларингизни кўришмайди".

Онг остини компьютерга ҳам тенглаштириш мумкин. У ўзига қўйилган дастурни кўр-кўрона ва тўғри ижро этади. Дастурловчилар айтишича, агар компьютерда вирус бўлса, шуни қидириб топиб, олиб ташлаш мумкин экан. Болаликда бизнинг ҳам миямизни дастурлашганда анча бўлмағур, негатив нарсаларни тиқиштиришган.

Ёшлик пайтида одамнинг танқидий тафтишга ақли етмайди ва у ташқи дунёдан келаётган ҳамма нарсани қабул қилаверади. Маълумотларнинг асосий негизи ота-оналардан, ўқитувчилардан, оммавий ахборот тармоқларидан ва тенгдошлардан келади. Ёш болага етиб келган сўзлар унинг онгининг чуқур жойидан жой олади. Биргина сўз ҳам одамнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Бу сўз ҳеч қандай ёмонликни истаб айтилмаган бўлса-да, у ўзида қўрқувни ва негатив ҳолатни мужассам қилган бўлса, натижа ҳалокатли бўлиши мумкин. Масалан, писсимист она боласини ўта таъсирчан билиб: "Орзу қилишни бас қил, осмонларда учиб юрма. Ўзингни ким деб ўйлаяпсан?" деса,

бундай сўзлар боланинг онгости туйғуларига қаттиқ таъсирини ўтказади ва дастурланиб қолишига олиб келади. Катта чексиз қувватга ва бошқарувга эга онгости туйғуси қулоқ солган тарзда унга киритилган дастурларни бажаришни бошлаб, болани бир омадсизликдан иккинчисига етаклай бошлайди. Энг ачинарлиси шундаки, ёшликдан бундай негатив ҳолатларга ўргатилган одамлар умрлари давомида нотўғри дастурлашнинг касрига қолганларини билмай ўтишлари ҳам мумкин.

Сўз жуда катта кучга эга. Севги борасидаги тушунтириш, ёмон янгилик, саломлашувдаги сўзлар – бизнинг ички ҳолатимизга сезиларли даражада ўз таъсирини билдириши мумкин. Ва сўз доим ҳам онгимиз қабул қилиши учун ҳақиқат бўлиши шарт эмас.

Томас Питерс ва Роберт Уотермен ўзларининг "Мукаммалликни қидириб" деб номлаган китобларида, гарчи бу сўз ҳақиқат бўлмаса-да, сўз кучини англаш юзасидан тажрибалари ҳақида ёзишади:

"Қадимдан шундай доно сўз бор: "Ҳеч нима муваффақиятчалик муваффақиятга эриша олмайди". Қарангки, бу тасдиқнамо сўз фанда ўз асосига эга экан. Мотивация бўйича саволларни ўрганадиган тадқиқотчилар қуйидагини аниқладиларки, инсоннинг мотивация бўйича биринчи факторларидан бири бу – унинг таассуротлари. Шу сабаб у муваффақиятли ҳаракат қилади. Бир тажрибада катта ёшдаги кишиларга ўнта бир хил бошқотирмани ечиш вазифаси юкланган. Тажриба қатнашчилари вазифа

устида ишлаб, ўз жавобларини топширишади, уларга ўйлаб топилган жавобларни айтишади. Яъни, олимларнинг ярмига улар ўнта берилган вазифанинг еттитасини тўғри ечиб, яхши ишлашганини айтишади, қолган олимларнинг ярмига эса улар ўнтадан учтасини тўғри топиб, ёмон натижа кўрсатишгани айтилади. Кейин уларни чиндан ҳам баҳолаш учун яна ўнта бошқотирма берилади. Биринчи синовдан яхши ўтганлар чиндан ҳам яхши натижага эришадилар, тажрибадагиларнинг иккинчи ярми эса иккинчи босқичда олдингидан ҳам ёмон натижа кўрсатишади. Олдинги қўлга киритилган муваффақиятларни тан олиш яна ундан-да катта ютуқларга эришишимиз учун, кўриб турганингиздек, мотивация кучини оширади ёки бирор-бир сифатни кучайтиради".

Бу тажрибанинг натижаси устида бироз бошқотиришга тўғри келади. Ёлғон ўйлаб топилган натижалар тажрибада қатнашганларнинг онгости туйғуларига таъсир қилган. Муваффақиятни ёки омадсизликни ўзича қабул қилиш, у алдамчи бўлса-да, бирларининг ишларини яхшилади, бошқа бирларининг ишларини эса ёмонлаштирди.

Ўша китобнинг давомида муаллифлар тажрибадан келиб чиқиб, қуйидаги теорияни олдинга суришади: "Биз шуни таъкидлаймизки, ишлари яхши юриб турган компаниялар муваффақиятларининг сабаблари ва ташкилотчилиги шундаки, улар оддий одамлардан мураккаб тиришқоқликни тортиб олишади". Корхонага қўллаганларини алоҳида шахсларга ҳам қўл-

лашади. Муваффақиятли одамларнинг сирлари - онгостига тўғри йўналтирилган.

Ота-оналар, ўқитувчилар ва яқин дўстларнинг ёмон таъсирини билмаган ҳолда зарарли ҳолатда нурлантиришларидан ташқари, яна бир онгостини дастурлаш негизи бор: у инсоннинг ўзи. Ҳар биримизнинг ичимизда бизни дастурлайдиган монологлар бор. Биз ўша сўзларни доим такрорлашдан чарчамаймиз: "Мендан ҳеч қачон бирор нарса чиқмайди"; "Мен доим чарчаб қоламан"; "Мен ўз ҳаётим билан нима ҳам қиламан?"; "Мени қадрлашмайди"; "Мен керакли даражада яхши эмасман"; "Муваффақиятга эришиш шунчалар қийинки"; "Менда вақт етишмайди"... Бу рўйхатнинг паёни йўқ. Биз ўзимизга айтиб юрадиган бу зарарли фикрлар бўлажак дастурларни ўзгартириб ёки кучлантириб, ўз таъсирини ўтказади.

Аммо биз уларни ўз тушунчамизга қабул қилишимиз шартмас. Вояга етганимиздан сўнг шахсий тизимимизни ўз қўлимизга олишимиз мумкин. Ҳеч қайси дастурлаш умрбод бўлмайди. Ҳар қандай зарарли дастурни ўчириб қўйишимиз мумкин. Қандай қилиб? Яхши натижа берадиган дастурни қўллаб, бу зарарли дастурларга қарши чиқса бўлади.

Ўзини ишонтира билиш

Ёқимли ҳолатларни берадиган ва муваффақиятга етаклайдиган менталитетга эга бўлиш учун нима қилиш керак? Турли хил методикалар бор, аммо улар ўзини ишонтириш

турига суянган бўлади. Бу методикаларнинг кўплаб номлари бор – ментал дастурлаш, ўринли фикрлаш, аутотренинг, ўзини гипноз қилиш, руҳий кибернетика, альфа метод. Буларнинг ҳаммаси ўзининг яхши натижаларини кўрсатган. Биз ҳам – ушбу китоб муаллифлари таниқли француз аптекачиси Эмилем Куэ томонидан ишлаб чиқилган оддий ўзини қўллаш формуласини қўллаб, ажойиб натижаларга эришдик.

Куэ ўзининг янгилигига тасодифан эришди. Бир куни унинг мижозларидан бири рецептсиз берилмайдиган дорини сотиб олмоқчи бўлади. Рецепти бўлмаса-да, у дорини қистаб туриб олади. Куэ вазиятдан келиб чиқиб иложини топди: у мижозга бошқа бир дорини ундан-да яхши, деб таклиф қилади, у оддий глюкоза эди. Бир неча кундан кейин харидор қайтиб келади, у соғ-омон ва натижадан қониққан ҳолда эди. Бу янгиликни кейинроқ Плацебо натижаси деб номлашди.

Бемор билан нима содир бўлди? Бу беморни шу дорини ичиб, албатта, тузалиб кетишига бўлган ишончи тузатди. Бу ерда мўъжизавий сўзларнинг ҳам ўрни бор, албатта, сўзлар интелектуал нуқтаи назар билан эмас, балки жисмоний жиҳатдан таъсир қилувчи қилиб, ишонтириб айтилди.

Куэ ўзининг кашфиётининг жуда кераклилигини тушуниб етди. Агар сўз билан жисмонан бемор одамни тузатиш мумкин бўлса, унда сўз қалбан соғлом одамга қандай таъсир қилар экан? Келгусидаги кўп йиллар давомида келажакда кандли томчи дорилар керак

бўлмайдиган оддий формулани ишлаб чиқди – бу фақат сўз эди! Бу формула дунё бўйича тарқаб, минглаб одамларнин ҳаётини яхши томонга ўзгартирди. У ўзи билан оддийгина ўзини ишонтиришни ичига олган. Ҳар қайси инсон қуйидагиларни айтиб, танлаган ўрнини алмаштириши мумкин: *"Ҳар куни ҳамма муносабатларда яхши ва янада яхши бўламан!"*

Куэ бу формулани ўз мижозларига ҳар куни бир неча маротаба қайтаришни маслаҳат беради. Бу ишни асосан хотиржамликда, онг ости туйғуси қабул қилишга шай турган пайтда қилган маъқул. Бу натижани тезлаштиради. Бундай хотиржамлик ҳолатини эрталаблари ва уйқуга ётиш пайтлари кузатиш мумкин. Хотиржамлик ҳиссини атайин келтириб чиқарса ҳам бўлади. Буни қилиш учун креслога ўтиринг ва кўзларингизни юминг. Бир неча маротаба чуқур нафас олинг. Кейин жисмингиздаги ҳар бир аъзойингизни хотиржамликка унданг: ўзингизни бўш қўйинг, елкаларингиздан бошлаб оёқларингиз учига ва кейин, аксинча, бошингизгача.

Сиз бу янги формулага ўз онгингизни чўктириб юборишингиз керак бўлади. Оз-оздан бу дастур аста сизга ўрнашиб боради ва сиз бошқа одамга айланасиз. Зарарли дастурлар ўз ўрнини яхши, фойдали дастурларга бўшатиб, шижоатни кучайтиради, кучли бўлишга ва тўғри қарорлар қабул қилишга ундайди. Бу методни оддий деб билиб, унга қўл силтаманг. Кўпнинг баъзи замондошлари бу оддийликка қўл силташган ва яхши натижа беришига ишонишмаган. Биз бу техниканинг яхши натижа

беришига тирик гувоҳларимиз! Буни сиз бир ой мобайнида синаб кўринг, албатта, ижобий натижани кўрасиз.

Кўпчилик омадлари келган одамлар қийинчиликка дуч келишганда бу тажрибага мурожаат қилишади. Муаммолар кўпайганда ёки янги ишни бошлаш олдидан ўзларини қайта дастурлашади, ўрганишади, муваффақиятга эришмагунларича қайта-қайта такрорлашади, уларга йўлларида ҳеч қандай тўсиқ халақит бера олмайди, орзуларининг амалга ошишига ҳеч нима салбий таъсир кўрсатолмайди.

Бизнинг ички дастурланишимизнинг кумулятив натижаси "Мен-образ" деб аталиб, бизнинг ўзимизча қабул қилишимиз, ўзимизга баҳо беришимиздир. Биз қанчалар ўзимизнинг яхши образимизни яратмайлик, қандай бўлишимиз ҳақида хира тасаввурларга эгамиз. Яна бир хиралик бу – "Мен-образ"и бизнинг ҳаётимизда қандай рол ўйнайди? Буни тўғри тушунишимиз керак, чунки одамлар ўзларини ким деб ҳисобласалар, ўшандай бўлишади. Бизнинг ҳаётимизда ҳамма нарса, бойлик ҳам, бахт ва жисмоний саломатлик бизнинг "Мен-образ"имизга тааллуқли ҳамда унинг таъсир кучи остида бўлади.

Сенж яна бир билдиришни айтади: "Охир-оқибатда онгнинг ўсиб боришига исталган натижага эришиш хоҳиши, тўғри мақсадга ҳаракатланишимизга бўлган чуқур ишонч ўз таъсирини кўрсатади. Онгости туйғуимиз орзуларимизнинг амалга ошишидаги мақсадга интилишга ва қадримизга иштиёқманд. Баъзи

бир диний мулоҳазаларда бу чуқур орзу қилишлар онгда илдиз отади ва унинг ажралмас қисмидир, дейилади".

Бу сўзлар ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Муваффақиятингизни тасаввур қилинг - унинг аниқ образини яратинг

Нимани хоҳлайсиз? Сизнинг муваффақиятингиз йўналиши қандай кўринишда? Сиз ажойиб шахссиз; муваффақиятдаги танловингиз ажойиб ва бу муваффақият сизнинг ажойиб тасаввурингиз ортидан амалга ошиши мумкин. Кимки ўзини қора ишчи ҳисоблаб, иш юзасидан хизмат поғоналаридан кўтарилишни ҳам тасаввур қила олмайдиган одам бўлса, доим пастда қолиб кетаверади. "Мен ҳеч қанақасига йиллик даромадимни икки баробарга ошира олмайман!" Агар сиз айнан шу сўзга ишонсангиз, ҳаёт сизни бу ҳақиқатингизни тасдиқлайди.

Биз доим "Мен-образ"ни итарувчи мақсадларни олдимизга қўямиз. Шунинг учун ҳам омадсизликка учраш муваффақиятга эришишдан ҳам кўра қийинроқ. Ва муваффақиятга эришиш осон омадсизликка учрашдан кўра. Янги "Мен-образ" янги мақсадни туғдиради, янги мақсад эса янги яхши ҳаётни пайдо қилади. Ҳамма омадли инсонлар орзулари рўёбга чиқишидан олдин фикран муваффақиятни тасаввур қилишади. Уларнинг муваффақиятдан қанча узоқдагиликларининг аҳамияти йўқ, кам билимли эканликлари ҳам рол ўйнамайди, оз танишлари борлиги аҳамиятсиз – улар ўзла-

рини омадли деб тасаввур қилишган. Улар ўзларини омадлиман, деб ишонтиришган. Ҳаёт "Мен-образ"ларига биноан ўз муваффақиятларини боғлаган орзулари билан уларни қарши олган.

Бу амалиётга кўра ўзингизнинг қабул қилишингизга асосланиб, ҳаёт сизга "Мен-образ"ингиз устида фойдали ишларни қилишингизга изн беради, сиз кунлар ўтган сайин ҳамма муносабатларда яхши ва янада яхши бўлиб борасиз. Ўзингизнинг чуқур орзу қилишларингиз ва тилакларингиз билан "Мен-образ"ингизни истаган пайтингизда ўзгартиришингиз ҳам мумкин.

"Мен-образ"ингизни ташкил қилиб, қайта дастурлашни бошлашингиздаги биринчи кунларда ўзингиз ҳақингиздаги олдинги тасаввурларингиз бироз сизни қийнаши мумкин. Бу бўладиган жараён. Ўзгариш аста-секин амалга ошади. Лекин вақти келиб ўзингизга бошқача қарашни бошлайсиз ва бу сизни янги мақсадларга чорлайди, янги мақсадлар эса ўз-ўзидан ҳаётингизни яхши томонга ўзгартиради.

Тажриба шуни кўрсатадики, ўрнатилган ўз-ўзини ишонтиришнинг яхши натижа бериши учун у қисқа бўлиши керак: (1) *қискача* – агар у узун бўлса, ўз самарасини йўқотади ва (2) завқли бўлиши – бу жуда керакли. Онг ости онг сингари ишламайди. Агар сиз ўзингизга: "Мен унчалик ёмон эмасман", десангиз, "ёмон" сўзи асосий сўзга айланиб, сизнинг онг остингизга таъсирини ўтказиши мумкин. Ёмон сўзларни айтиш самарани бўғиши мумкин. Сиз ўринли нарсани танлаб, аста ёндашишингиз керак.

Баъзи муаллифларнинг айтишларича, биз ўзимизни мослаштиришимиз жараёнида гўё бизда ҳамма нарса бордай тасаввурга эга бўлишимиз керак экан, яъни "Мен бойман", деб. Баъзи ҳолларда бундай ёндашиш қарама-қаршиликни келтириб чиқариб, онг ўзгача қабул қилиши мумкин. Руҳий қарама-қаршиликнинг келиб чиқиши завқли ҳиссиётларнинг ўрнатилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Агар сиз "Мен бойман" ёки "Менинг ишим талабга жавоб беради", деб такрорлайверсангиз, онгингизнинг баъзи бир қисми мутаносибликни ҳис қилади, айниқса, сиз ўша пайтда инқирозга учраган бўлсангиз ёки ишсиз бўлсангиз. Бизнинг фикримизча, яхшиси, "Мен кундан-кунга катта муваффақиятларга эришяпман" ёки "Менинг ишим мукаммалликка яқинлашяпди", деган маъқулроқ. Ўрнатишни тўғри танлаш лозим, сиз бу танловни завқли деб билинг.

Руҳий мослашиш муваффақиятни кафолатлайди. Биз буни ўз тажрибамиздан биламиз. Ҳатто механик ва ишонилиши қийин бўлган, қайтарилаверган керакли сўзлар баъзи бир ҳаракатларни вужудга келтиради. Қанчалар кўп ҳиссиёт ва ишончни ўз сўзларингизга қўшсангиз, натижа шунчалар яхши бўлади. Мослашишларингизга чегара белгиламанг. Сиз ажойиб мувозанатга эгасиз. "Макдональдс" ресторанлари асосчиси Рей Крок айтади: *"Буюклик ҳақида ўйла, буюк бўласан!"*

Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар

Бу бобда билдириш сифатида ҳаётингизга маҳкамланган ўзгаришларни айтиб ўтамиз.

1. *Ўз муваффақиятингиз туринг сизга маъқул бўлганини ўрнатилиш услубида ёзинг.* Мисоллар: "Мен тайёр даромадга эгаман..." ёки "Мен иш борасида ажойиб ўсиш қиламан". Бу оддий ҳаракат фикрларингизга куч бағишлаб, сизнинг ҳаётингизга ижобий таъсирини ўтказади. У (ҳаракат) ўзгаришларнинг пружинаси бўлади. Ўз ўрнатишларингизни унутманг – бу сизнинг муваффақият формулангиз. Рўйхатни кўзингиз тушадиган жойга қўйинг ва уни ҳар куни қайтариб ўқиб туринг.
2. *Ўзгаришлар йўлига мустаҳкам ўрнашиб олиш учун қандайдир завқ бағишлайдиган сўзни қайтаринг.* Кўпчилик ишбилармон одамлар учун мисол тариқасида қуйидаги умумий фазилатлар керак бўлади:

Қатъиятлилик	Фаоллик
Завқланиш	Бой тасаввур
Хотиржамлик	Ҳаракатчанлик
Жонкуярлик	Мардлик
Зийраклик	Интуиция (олдиндан кўра билиш)
Хушчақчақлик	Ишонч
Умидворлик	Мартаба
Таваккалчилик	Ўзига ишониш

Ўзингизга маъқул бўлган ушбу фазилатлардан танла... ва мос келган сўзларни бир

неча бор ҳар куни такрорланг. Ёки ўзингизга таъкидланг: "Мен шундайман". Бу энг самарали техника.

3. *Юқорида кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги сўзлардан фойдаланиб, ўзингизни ривожлантиришингизга ёрдам берадиган рўйхат тузинг ёки уни тўлдириб, фазилатлар рўйхатини тузинг.* Унинг устида кўпроқ ишлашингиз керак бўлган сифатларни танланг. Ўзингизда ривожланаётган сифатлар устида алоҳида-алоҳида иш олиб боринг.
4. *Ўзингиз ҳақингизда қуйидагини қайтаринг:* ***"Ҳар куни ҳар бир муносабатларда яхши ва янада яхши бўлиб бораман".***

III БОБ. РУҲИЙ ТЎСИҚЛАРНИ ЕНГИБ ЎТИШ

Ютуққа эришиш учун ниятларингиз кучли бўлиши керак, шундагина онг остига кириш ва уни тўлдириш мумкин.

Казуо Иномори,
муваффақиятга эришган иккита япон компаниясининг асосчиси

Балки истаган муваффақиятингиз йўлидаги энг яхши маслаҳат қуйидагича: *ютуққа эришиш учун сизнинг ниятларингиз кучли бўлиши керак, шундагина онг остига кириш ва уни тўлдириш мумкин.* Агар бу содир бўлса, сизнинг хоҳишларингизни қўллайдиган ва куч бағишлайдиган чексиз Борлиққа қўшиласиз. Сиз ўз ҳаётингизда нимани истасангиз, ҳамма нарсага эриша оласиз ва бу вазиятда ўзингизга бошқача муносабатда бўлишни ҳам бошлайсиз.

"Мен-образ"ни ташкил қилиш эскиликдан кечишни англатади. Албатта, ҳар қандай одамнинг ич-ичидан бир нарса бундай ўзгаришга қаршилик қилади. Ҳар қандай одам ўзи учун руҳий тўсиқларни ясаши мумкин, ҳатто бу ўзгаришлар яхшиликка бўлса ҳам.

Руҳий тўсиқлар – йиллар давомида тўпланиб келган малаканинг пухта ўйланмаган тасдиқлар маҳсули. Уиллис Хармен буни ўзининг

"Фикрлашдаги глобал ўзгаришлар" китобида қуйидагича муҳокама қилади:

"Ишонтиришнинг тотал тизими – бу ишонтиришни ташкиллаштириш ва кутиш – вербал ва новербал муносабатлар, чалкашлик ва аниқлик, хуш ёқадиган ва нохуш инсон томонидан, яшаётган оламида ҳақиқат деб қабул қилинган тамойиллардир. Ишонтириш тизими мукаммал бўлиши шарт эмас; бинобарин у шундай, балки ҳеч қачон ундай бўлмайди". Энг оддий чуқур илдиз олган руҳий тўсиқ пулни ёмонлик келтиради, деб ишониш. Тортишмаймиз, пулни севиш қизғончиқликка ва фақат ўзим бўлай, дейишга ҳам олиб келиши мумкин. Пулнинг қули бўлиш жуда хавфли. Пул – асил хизматкор ҳам, аммо бераҳм, шавқатсиз хўжайин ҳам.

Пул ўзига ром қилиб, ҳамма вақтингизни унинг ортидан қувишга сарфлашингизга мажбур қилиши мумкин. Буни назардан қочирмаслик керак. сизга пул келиши, албатта, бошланади, ўша кунлар келганда, бойликка эга бўлганингизда ўзингизни қандай тутишни ўргатадиган ушбу китобга ўхшаган китобларни ўқишдан тийилманг. Агар инсон ўз олдида адолатли бўлса, пул билан муомаласи завқли бўляптими-йўқми, у яхши билади.

Кўпчилик одамлар пулни қарғашади ва баъзиларнинг бу қарашлари ўз тасдиғини ҳам топган. Аммо сиз оммага самарали хизмат қилаётган бўлсангиз, бунга яраша мукофотга лойиқсиз, бу сизга ҳам ва бутун оламга ҳам фойдали.

Пулнинг завқли образини яратинг: пул меҳрнинг кучли қуроли бўлиши мумкин

Ўз ишимизни қилиб, тўхтамай янги ғояларни, янги маҳсулотлар, иш ўринлари, санъат асарларини яратамиз. Ва кимки ҳақиқий муваффақиятга эришган экан, ўзи яшаб турган жамиятни ва оламни молиявий ва ғоявий томондан қўллайди. Шундай бой одамлар борки, уларга нафрат кўзи билан қараш мумкин, улар бойлик фақат ўзлари учун берилган, деб ўйлашади. Аммо дунёдаги баъзи бой давлатлар борки, эришган ижобий ютуқлари билан, ижобий хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради. Улар санъат борасида ва фан соҳасида катта-катта ютуқлари билан тилга олинади.

Пул бизга вақтни ва турли ресурсларни тақдим қиладики, инсонийлик эҳтиёжидан келиб чиқиб, биз улардан фойдаланиб, ўз хоҳишларимизни амалга оширамиз, муаммоларни бартараф қиламиз, яшаш давридаги асосий яшаб қолиш муаммоларини шу пул орқали ҳал қила оламиз.

Сиз ишлаб топган пуллар – бу сизнинг оддий қилган ишларингиз учун мукофот. Кўпчилик бойлар кўпчиликка хизмат кўрсатишгани учун кўп пул мукофотини олиб бойиб кетишган. Уолт Дисней миллионлаб болаларга ва катталарга қувонч бағишлаган. Бойларнинг хизматлар руйхати чексиз, чунки пул – бу куч, у туфайли кўп яхшиликларни қила оласиз.

Генри Форддан "Ҳамма топганларингизни йўқотсангиз, нима қиласиз?" деб сўрашибди. У ўйлаб ҳам ўтирмасдан: "Инсониятнинг қандай-

дир фундаментал эҳтиёжига мурожаат қилардим ва бошқа одамдан кўра энг арзон, самарали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб, уларнинг эҳтиёжини қондирардим", деган экан. Яна у аниқлик ва ишонч билан таъкидлаб: "Беш йилдан сўнг миллионерга айланардим", деб қўшиб ҳам қўйган экан.

Кўпчилик одамлар пулга салбий назар билан қарашади. Бундай ноўрин қарама-қаршилик чин дилдан эмас: одамлар бойларни қарғашади, аслида уларга ҳасад қилашади. Ушбу китобда келтирилган баъзи асосларни тушуниб етсангиз, сизга катта миқдорда пул келтирувчи инсониятга хизмат кўрсатишни бошлайсиз, бойларга нисбатан қарашларингиз ўзгаради, чунки сиз ўзингиз уларнинг қаторига қўшиласиз. Ана шунда сиз ўз бойлигингиз билан кўп одамларга ёрдам қўлини чўзасиз.

Яна бир руҳий тўсиқ – бу оилавий камбағаллик анъаналарига қарши бориш, ота-оналарингиз сўзларини икки қилишдан қўрқиш. Бундан ҳеч ким азият чекмайди, биз камбағаллик бойликка чорлашини олдинда айтиб ўтган мисолларимиздан англаб олдик. Аммо кўп ҳолатларда камбағаллик асабий ҳаракат турларига киradиган – руҳий толиқиш, ҳеч қаерга бошламайдиган, бирлашган "Мен-образ"ининг акси. Бойиб кетишга тааллуқли руҳий тўсиқлар турли хилда ниқобланган бўлиши мумкин ва биз уларнинг ўзимиздагисини таниб олишимиз лозим.

Завқ бағишлайдиган пул ва муваффақият сизнинг "Мен-образ"ингизнинг ажралмас

қисмига айланиши керак. Ўзингизни тафтиш қилинг ва ўз олдингизда адолатли бўлинг; ўз руҳий тўсиқларингизни юзага чиқаринг ва уларни йўқ қилинг. Сизни ушлаб турган ишонқирамаслик ҳиссини аниқланг ва уни ўзгартиринг. Уларни завқ бағишлайдиган ғоялар билан алмаштиринг. Камбағаллик ва бойлик – фикрлаш образингизнинг маҳсулидир.

Онг учун чеклов йўқ

Ҳар доим қайтариб айтишга арзийдиган бир ҳақиқат бор: *онг учун чеклов йўқ, фақат ўзимизгина боғланиб қоламиз.* Ушбу айтилган сўз биз учун ҳақиқатга айланганда биз муваффақиятга эришиб, бугунги кунимизни келажагимизга бирлаштирамиз. Ўз ҳаётимизда бу ҳақиқатни ишга солсак, вазият устидан ҳокимиятни қўлга оламиз; ҳаётимизни қандай кўришни истаган бўлсак, шундай бўлади.

Агар сиз ўз фикрларингизни завқли йўналишга бошласангиз, орзу қилиш мумкин бўлган кучга ва ҳокимиятга эга бўласиз. Ҳар куни тасаввурларга қаратилган, визуал яратилиш ва орзуларингиз билан ўз онг остингизни дастурлашга вақт ажратинг. Кўпчилик одамларга уларнинг орзу қилишлари учун ҳам кўп маош беришади! Орзулар, учиш фантазияси, мияниng ҳужумлари ижодий ғояларнинг асоси бўлиши мумкин.

Айрим одамлар орзулар оғушида юрадиганлар устидан кулиб, ҳақиқатга тик қараш керак, тақдирни қандай бўлса, шундай қабул

қилиш керак, дейишади. Бинобарин бундай бахтсизлар орзу қиладиган одамлар икки хил бўлишини билишмайди: ўз орзуларини амалга оширмайдиганлар ва онг остининг яратиш кучига ишонадиганлар. Асл орзу қилувчилар – бизнинг олдимизда, оламимизда янги қиёфага кириб пайдо бўлиб, ўзларига ва бошқаларга фойда келтириш учун орзулари йўлида аниқ қадам ташлайдиганлардир. Дипак Чопра ўзининг "Муваффақиятнинг еттита маънавий қонуни" китобида ёзади:

"Ҳар қандай ният ва хоҳишда уларнинг уруғи ва механизми бўлади. Ният ва хоҳишдаги бу асосларда мисли кўрилмаган куч бор. Ва биз бу уруғни сермаҳсул тупроққа тикар эканмиз, ўша ташкиллаштирадиган мисли кўрилмаган кучнинг ўзимизга ишлашини таъминлаймиз".

Келинг, Чопранинг айтганларига қулоқ тутайлик. Ният – бу фикр. Агар бизнинг фикрларимиз пулга нисбатан нохуш ғоялар билан тўлган бўлса (пул ҳаммага етмайди, масалан, бойликка фақат бошқа бирор кишидан пулни тортиб олиб эришиш мумкин), бундай ғоялар аниқ тарқалади. Агар биз онгимизни завқли образлар билан тўлдирсак (борлиқда сон-саноқсиз имкониятлар мавжуд ва пул ҳаммага етади), биз уларни ўзимизга сингдирамиз ва тасаввур қилмаган даражадаги муваффақиятга эришамиз.

Каллангизда "Орзу қилган ҳамма нарсага эгаман, ўз мақсадларимга етдим", деган образни яратинг. Ҳаётингиз нимага ўхшайди? Бу машқнинг самарали томонларидан бири шун-

дан иборатки, онг ости онг бўйсунадиган вақтнинг қонунларига бўйсунмайди. Бундан ташқари, онг остида ёки бизнинг орзуларимизда вақт умуман бўлмайди.

Мана шунинг учун ҳам ёшликда олган руҳий жароҳатларимиз кўп йиллар давомида ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, вояга етганда ҳам ўз ишини бажаради; аслида ақлан улар тушунишади: ўтган кунлар учун ачинмаслик керак, аммо онг ости яшаб ўтилган йилларни сезмайди ва фарқни кўрмайди. Мана шунинг учун ҳам биз "Бизнинг фантазияларимиз амалга ошган", деб тасаввур қила оламиз ва алданган онг ости гап бизнинг қўрқувларимиз ёки ўз ҳаётимизни яхшилаш устида кетяптими, барибир тасаввуримизни чинга йўйиб, шундай экан-да, деб ўз ишини бошлайди.

Балки бу гаплар юқорида келтирилган ўзўзини ишонтиришга қарама-қаршидир. Лекин биз шу йўл билан келажагимизни қуришимиздаги, орзуларимизни амалга оширишдаги самарали имкониятларга тўғри ёндашган бўламиз.

Фикрларимизни моддийлаштириш

Бизнинг барча ғояларимиз моддийлаштириш бўйича тенденцияга эга, бу кўпинча такрорланади. Мана шунинг учун ҳам биз ютуққа эришамиз, шунинг учун ўз фикрларимизга эътиборли бўлишимиз керак. Агар биз учраган молиявий етишмовчиликлар ҳақида доим ўйлайверсак, ўша қийинчиликларни доимо ўзимиз билан қолишга таклиф қилган бўламиз. *Нимагаки аҳа-*

мият қаратсангиз, ўз кучингизни ўша нарсага ишлатаверсангиз, у ортиб бораверади. Агар сиз яхши нарсаларга ўз эътиборингизни қаратсангиз, ўзингизга шафоатни, гуллаб-яшнашни ва муваффақиятни тортасиз. Агар уйингизга ҳар ой олиб кираётган пулингизнинг доим озлигидан, етмаслигидан шикоят қилаверсангиз, етишмовчиликдан бошингиз чиқмайди.

Агар сиз ҳар ой, ҳеч бўлмаса, ўн долларни тежаб, йиғилаётган ҳисоб рақамингизга қўйсангиз ва ҳамма эътиборингизни шу пулнинг кўпайиб боришига қаратсангиз, унинг кўпайганини тасаввур қилиб турсангиз, бойликни ўзингизга тортишни бошлайсиз, чунки эътиборингиз марказига "пасайишни" эмас, "юксалишни" қўйган бўласиз. Мана шу ёндашишни синаб кўринг, пулларнинг етишмовчилигини ўйламасдан пулингиз кўпайганини тасаввур қилинг ва уларнинг кўпаяётганини кўриб, ўзингизни ажойиб ҳис қиласиз, шунингдек, бу ишингизнинг натижасидан ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз.

Онг ости – бу кенг майдон, унда сабаб-тафтиш, алоқа қонунлари ҳукмронлик қилади. Унга нимаики эксангиз, шуни ўриб оласиз. Сабаби фикрлар ва ғоялар сизнинг ҳаётий воқеаларингизнинг натижаси.

Кўпчилик одамлар асосан уларнинг орзулари рўёбга чиқишига қарши чиқадиган муаммоларни тасаввур қилишади. Гўё ўша муаммоларнинг ечимини топишга уринишади. Стивен Кови – "Юқори самарали одамларнинг етти одати" китобининг муаллифи бу ҳолатни қуйидагича изоҳлайди:

"Одатлар ўзида улкан тортишиш кучини мужассам қилган. Ҳар қандай табиат кучи сингари тортишиш кучи биз учун ёки бизга қарши ишлаши мумкин. Бизнинг баъзи одатларимиз тортишиш кучи кўзлаган мақсадимиз сари боришимизга халақит бериши мумкин. Бу чуқур илдиз олган одатлардаги пайсалга солиш, шошқалоқлилик, мазах ёки ўзбилармонлик каби иллатларни юлиб ташлаш учун кучли хоҳиш ва сезиларли даражада ҳаётий ўзгариш керак. "Учиш" улкан маҳоратни талаб қилади, лекин биз нима бўлганда ҳам тортишиш кучини енга олсак, бизнинг эркинлигимиз умуман бошқа ўлчов бирлигига ўтади.

Ўзгаришлар – ҳақиқий ўзгаришлар ички туйғулардан вужудга келади. Қуйидаги омиллар ортидан оламга боқаётганингиз туфайли парадигма асосига таянган, феълингизни белгиловчи ва призмани вужудга келтирувчи фикрлар образини – илдизини ўзгартириш керак".

Омадли одамлар орзуларидан баҳра олишади ва уларнинг амалга ошишида воситаларни ўйлаб топишади. Кашфиётчилар фикран ўз кашфиётларини тасаввур қилишади. Рассомлар – ўз суратларининг битганини. Тадбиркорлар – бизнесларининг гуллаб-яшнаганини. Узоқни кўра биладиган жамият арбоблари оламнинг яхши томонга ўзгаришини тасаввур қилишади.

Дунёни ғоялар бошқаради. Улар ғаройиб кучга эгалар. Шунинг учун ўзимизни нотўғри фикрлардан тийиб, доим мияни хизмат қилиш, муваффақият ва завқланиш ғоялари билан тўлдириш кер[illegible]. Вақт ўтган сайин биз эски

нотўғри фикрларни янги самарали "Мен-образ"ига алмаштирамиз. Ҳар бир фикр қувватга эга ва у магнит мисоли қандайдир сирли тортишиш кучига бўйсуниб, ўзига нарсаларни ва одамларни тортади. Нотўғри фикрлар нотўғри куйинишларни тортади. Самарали фикрлар самарали ҳиссиётларни тортади.

Афсуски, бу ғоя ҳар доим ҳам жамият томонидан қувватланмайди. Бизнинг маориф тизимимиз асосан рационал ва осонликча амалга оширса бўладиган фикрлар тарафдори. Фикрларнинг тайёр образли томонига аҳамият қаратиб, ҳатто фикрларни бўғишга ҳам боради. Миянинг ўнг томони кўпроқ қаршиликка дуч келадиган томондир.

Ахир, барча буюкликлар илк бошланиш орзулар негизида пайдо бўлмаганда амалга ошмаган бўларди. Орзулар – ичингиздаги энг биринчи навбатга қўядиган режангиз МЕНнинг кўриниши, мавжудлигингизнинг бир қисми. "Мен-образ"ининг сиғимини оширган ҳолда дастурлар эканмиз, орзуларимиз шунчалар улуғворлашади. Ва бизнинг орзуларимиз қанчалар юксакда бўлмасин, кўп ҳолатларда бошида ўйлагандан-да осонроқ уларга етишишимиз мумкин бўлади.

Стивен Спилберг ҳеч қачон кино ишлашни орзу қилмаган, унда сценарий бўлган, кино ишлаш учун пул берадиган продюссер бўлмаган. Бир куни пляжда сайр қилиб юриб, киночиларни пул билан таъминлайдиган бой одам билан танишиб қолади. Ҳечам олдин кўрмаган одамидан пул олиб, у Венеция кинофестивали-

да тан олинган ва Голливудни қизиқтирган ёш кино режиссори бўлишига сабаб бўлган "Прогулка" кинофильмини яратади.

Онг ости кўпинча шундай кўринишда муаммоларимизни ечади: зарур одамни учратиб, бизни қўллаши ёки керакли журналимиздаги муаммоли саҳифага ечим топишда қўл келиши ҳам мумкин.

Инсонлар тақдирларидан нолиб ёки оғир вазиятлардан куйиниб бўлса-да, барибир одам тақдири измида бўлиши керак, деб юришган пайтда биз айтамиз: дунёни сабаб ва ҳодисалар қонуни бошқаради, фикрлашларимиз ва қилган ишларимиз ҳосиласи ўлароқ, тақдирни ўз қўлларимиз билан "яратамиз". Бу омад ва омадсизлик борасидаги гап-сўзларга ҳам боғлиқ.

Униси ҳам, буниси ҳам фикрларимиз ва ҳаракатларимиз ҳосили. Ўз муваффақиятимиз ва муваффақиятсизлигимизнинг ҳам сабабчиси ўзимизмиз. Шунинг учун ҳам онг ва муваффақият қонунларини тўғри қўллашни билган одамлар ўз йўлини белгилай оладилар.

Муваффақиятнинг улкан сири уни кимдир сақлашида эмас, кўпчилик унинг асл маъносини тушунмаганидадир. Бу сирни бир неча сўзлар билан изоҳлаш мумкин, сиз ана шу сўзларнинг мағзини чақсангиз, муваффақият, албатта, сизни қарши олади. Мана ўша сўзлар: инсоний онг ўзи ишонган ҳамма нарсани рўёбга чиқариши мумкин.

Бошқача қилиб қуйидагича сўзланса бўлади: *агар сиз қила оламан, деб ўйласангиз ва қила олмайман, деб ўйласангиз ҳам, ҳақсиз.*

Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар

Завқ бағишлайдиган образли пул сизнинг ҳаётингизнинг ажралмас қисмига айланса:

1. *Ўзингиздаги руҳий тўсиқларни аниқланг ва уни бартараф қилинг.* Пулга нисбатан муносабатингизни тафтиш қилинг: у самаралими ёки бесамарми? Пул ҳақидаги фикрларингизни ёзинг. Нимага шундай ўйлашингиз ҳақида аниқлик киритинг. Чуқур тугалмас орзулар қилишингизга тўғри келадиган ва умидларингизга мос келмайдиган ғоялардан воз кечинг.
2. *Тинмай ўз фикрларингиз ортидан боринг.* Ўзингиз хоҳлаган яхши нарсаларга интилинг. Ўз ҳаётингизга муваффақиятни, гуллаб-яшнашни ва роҳат-фароғатни таклиф қилинг. Балки банкда омонат ҳисоб рақами очиб, унга ҳар ҳафта унча кўп бўлмаган пул қўярсиз. Сизнинг фикрларингиз оз маблағга эгалигингизга қаратилган бўлса, энди янги очган ҳисоб рақамингизда пуллар йиллар мобайнида кўпайиб бориши ҳақида ўйланг, албатта, унга пул қўяётган бўлсангиз. Эътибор марказингизга етишмовчиликни эмас, ўсишни ва фароғатни қўйсангиз, тез кунларда фарқларни сеза бошлайсиз. Тез орада унчалик куч сарфламай, ўз фикр доирангизга яхшиликларни сиғдира бошлайсиз.
3. *Фикрлашингизни дастурланг.* Ушбу китобда кўрсатилган машқларнинг бирортасини бажаринг. Ҳар куни онг ости туйғуин-

гизни қайта дастурлашга вақт ажратинг. Хотиржамлик билан ўз миянгизни янги самарали образлар билан тўлдиринг. Сиз қандай кўринишда бўлмасин, қанчалик муваффақиятга эришдим, деб фантазия қилинг. Олдингизга қўйган мақсадларингизни тасаввурингизда амалга оширинг ва ўзингизни муваффақият чўққисидаман, деб ҳис қилинг. Буни ҳар куни, ҳар ҳафта қилинг. Ва сиз ҳаётингиздаги катта ўзгаришларни, албатта, кўрасиз.

IV БОБ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР

Бизга берилган улуғвор нарса – интуиция. Бу олтинчи сезги бўлиб, фақат уни ишлатишни ва қачон қўллашни ўрганиб, унга ишониш лозим.

Донна Каран,
халқаро моделлар *DKNY* империяси бошқарувчиси

Орзу қилиш ва ишониш – бу алоҳида ИШ, лекин орзуларингизнинг чин эканлигини қандай билиш мумкин? Арзигулик ғоями ёки сиз фожеали хато қиляпсизми? Гап иш танлаш борасидами, ишда ўсиш ёки пул қўйишдами, биз доимо қарор қабул қилишимиз керак. "Бизнесдаги ёки ишда ўсишдаги ёлғон қадам, ўлим даражасида эмас-ку, лекин у ўзи билан мавжуд муваффақиятсизликни олиб келади. Биз тўғри қарор қабул қилишни ўрганишимиз керак. Кўп ишлари олдига босган одамлар омилкорлик туғма эмас, унга эга бўлиш ва қулоч ёздириш мумкинлигини билишларидан хурсандмиз. Унинг ривожига етарли вақт ва қувват ажратиладиган бу омилкорликни ҳар қандай одам қилиши мумкин.

Баъзи одамларнинг ва компанияларнинг режалари шунчаки кўпга бормайди. Бу борада Марк Маккормек ўзининг "Гарвард бизнес мак-

табида нималарга ўқитишади" номли китобида ажойиб мисолларни келтиради:

"Уй ҳайвонлари учун емиш ишлаб чиқарадиган компания йиллик конференциясини ўтказди. Йиғин давомида компания президенти сабр билан ҳаммани эшитиб ўтиради, реклама директори маркетинг бўйича "ишлаб чиқаришда революция" қилиш учун янги дастурни таништирди, савдо бўлими директори "бизнесларидаги энг яхши савдо гуруҳи намояндалари" ҳақида гапирди. Ниҳоят, ўзининг вақтини кутиб ўтирган президент минбарга чиқди ва бир неча тугатувчи сўзларни айтиб: "Хўп, яхши, шу охирги кунларда биз ҳамма бўлим бошлиқларидан келгуси йил учун уларнинг ажойиб режалари ҳақида эшитдик. Конференциямиз охирига етганда менда бир савол туғилди. Бизда реклама энг яхши йўлга қўйилган экан, маркетинг энг яхши, энг яхши сотувчилар бор экан, нега биз итлар учун ишлаб чиқараётган консерваларимизни бошқалардан кўра оз сотяпмиз?" Залга сукунат чўмди. Жуда узоқ туюлган бир дақиқадан сўнг орқа томондаги қаторлардан овоз янгради: "Чунки бизнинг маҳсулотимизни итлар ёмон кўришади".

Дунёдаги энг зўр маркетинг ҳам ёмон маҳсулотнинг сотилишига, агар у эҳтиёжни қондирмаса, ёрдам бера олмайди. Бизнинг режаларимиз ҳаётийми-йўқми, қандай билиш мумкин? Биз интуициядан фойдаланишни, қачон ишга солишни билишимиз ва унга ишонишимиз керак.

Ака-ука Райтлар ўз самолётлари устида ишлашаётганда ҳаводан оғир бўлган вужуд

уча олмаслигини тасдиқлаш учун тажрибалар ўтказилган. Рей Крок арзон гамбургерлар билан савдо қилмоқчилигини айтганда дўстлари унинг устидан кулишган. Биз бошқалар тўсиқларни ва қийинчиликларни кўрадиган жойлардаги ёқимли имкониятларни кўра билишни ўрганишимиз керак. Бу борада Wal-Mart универмаг тармоқлари асосчиси ва раиси Сэм Уолтон ўзининг "Америкада ишлаб чиқарилган" номли китобида қуйидагича тушунтиради:

"Кўп ёқимли имкониятлар муҳтожликдан келиб чиқади. Бизнинг қилган ишимиз шуки, чекка кичик шаҳарчаларда молиялашда ва капиталлашда муҳтожликнинг бўлгани компаниямизнинг гуллаб-яшнаб кетишига сезиларли даражада ҳиссасини қўшди".

Бошқалар енгиб бўлмас қийинчиликларнигина кўрган жойларда Уолтон фойдали имкониятларни олдиндан кўра билиши туфайли унинг компанияси гуллаб-яшнашда давом этяпти.

Бу ҳам ақлни ишлатиб, бир фикрлаб кўриладиган муваффақиятнинг калитларидан биридир.

Бошқалар фақат ўтиб бўлмас тўсиқлари бор қийинчиликларни кўрадиган жойлардан сиз ёқимли имкониятларни қидиринг

Ярим асрлар олдин қизчанинг отаси уни суратга олгандан сўнг отасидан "Нега суратнинг чиқишини шунчалар кўп кутишимиз керак?" деб сўрайди. Бу савол отани қизиқтириб

қолади, у кашфиётчи Эдвин Лэнд эди. Ҳамма олимлар Лэндга унинг ғояси пуч эканини, у бефойда вақтини ўтказишини, пулини бекорга сарфлашини таъкидлашади. Лекин қанчадир вақт ўтгандан сўнг, аниқроғи 1948 йилнинг ноябрида Бостонда харидорлар ҳайратига сабабчи бўлган 60 сонияли "Полароид" фотоаппарати сотувга қўйилади.

Сизнинг лойиҳаларингиз устидан мийиғида кулиб, неча бор уни амалга оширишнинг иложи йўқлигини айтишган? Ўзингиз-чи, ўзингиз неча бор бўладиган ишни бўлмайди, деб ортга сургансиз ва охир-оқибат ўйлаганингиз тўғри эканига иймонингиз комил бўлган? "Рационал сабаблар" кучи ёки ўзимизга ишончнинг бўшлигидан ўз орзуларимиздан кечамиз ва барибир бу ўйлаганим амалга ошмайди, деб ўзимизни овутамиз. Бу муаммо бизнинг "Мен-образ"имизга боғлиқ. Агар "Мен-образ"имиз яхши бўлса, кенг қулочини ёзадиган ёқимли имкониятларни кўра биламиз ва таваккалчиликка ҳам бора оламиз.

Кўп режалар муваффақиятга ҳам, муваффақиятсизликка ҳам маҳкум бўлмаган. Муваффақият ёки омадсизлик уларни амалга оширишдаги ҳаракатимизга боғлиқ. Бу ғоялар ва режалар ҳаётий бўлиши учун ҳаётий қувватга тўйиши керак. Завқли ва соғлом "Мен-образ"ли одамларга онг остида сақланиб келаётган адо бўлмас қувват манбаи ёрдам беради. Улар "итлар ёқтирадиган консерва"ларни ишлаб чиқара оладилар.

Ўз ғояларини амалга оширишда ўзига ишонмасликнинг сабабларидан бири – уларнинг

йўлларида учраши мумкин бўлган потенциал тўсиқларни аниқлашга ҳаракат қилишади ва ўзларидаги боргина асбоблар билан тўсиқларни енгишга уринишади, бу тутган ишлари уларни муваффақият сари етакламайди, кўп одамларнинг хатолари айнан шунда. Энг яхши самарали ва иш берадиган ёндашиш – омад ва муваффақиятнинг сабабларига эътиборни қаратишдир. Албатта, биз "тарафдорлик" ва "қаршилик"ни тарозига қўйиб кўришимиз керак. Лекин баъзан ўнта тарафдорликни биргина қаршилик синаб кўришидан кўп одамларни қайтариши мумкин. Бу бизни нотўғри дастурланганимизни англатади. Салбий вазиятларни тасаввур қилиш қароримизни ўзгартириши ва ҳаракатимизни фалаж қилиши мумкин.

Албатта, бўлажак битим ва таклиф қилинаётган лойиҳа ҳақида кўпроқ тасаввурга эга бўлиш керак. Лекин ҳамиша бирор кўзланмаган нарса четда қолиб кетади. Одамлар ва корпорациялар қўллайдиган тафтиш биринчи ғояларни тасдиқлайди. Фактлар ўзини интуицияни ўрнига қўя олмайди. Биз фактларни ўрганиб чиқиб, улардан керакли хулосаларни қилишимиз ва бунда йўлбошчи сифатида интуициядан фойдаланишимиз керак.

Ўз интуициянгизга[1] ишонинг

Ўзининг олтинчи сезгисига ишониш, яъни интуициясига ва унга ёндашиш – муваффақиятнинг чекка бурчак тошидир. Бу сезгини шун-

чалар кенгайтириш мумкинки, у сизнинг иккинчи бўлагингизга айланиб, тез ва ишончли қарорлар қабул қилишингиз осон бўлади. Агар режа юқори даражали тўғри бўлса, у сизни қўзғайди, "яхшилиги сезилади". Агар режа сизда иштиёқ уйғотмаса, уни четга сурганингиз ва бошқасига, яъни сизда иштиёқ ҳамда қизиқиш уйғотадиганига алмаштирганингиз маъқул.

Ахборот манбаи ва бошқарувчи сифатида интуицияни тан олиш учун қобилиятингизни қайта ўқитиш вақти келди. Сиз ўз ақлингизни интуиция овозини эшитишга ўргатишингиз мумкин. Қобилият табиатан жуда интизомли бўлади. Шу интизом интуитив МЕНингиздан ёрдам олишингизга ва қарши чиқишингизга ҳам изн беради.

Қачон қарор қилишингизни қандай биласиз? Ҳамма зарур фактларга эга эканлигингизни ва сиз керакли вақтни вазиятни англашга ишлатганингизни қаердан биласиз? Жавоб ўша – интуицияга суянасиз, ўзингизга қайтарасиз: "Тўғри жавоб осонликча ўзимни койитмасам-да, келади". Ёки "Менинг ички кучларим тўғри жавоб топишимга ёрдам беради". Сизнинг кайфиятингизни кўтарадиган сўзларни қидириб топинг. Мана шундай мослашиш билан сиз интуитив онгингиздаги ҳамма доноликларни ёрдамга чақирасиз.

Шакти Гавейн ўзининг "Борликдаги ҳаёт" китобида интуицияга ишонишнинг оддий методини келтириб ўтган:

"Интуицияга ишониш ўзи нима? Бу дегани ҳар қандай вазиятда "ички сезгига" мосла-

шиш – ҳақиқий чуқур ички сезгига ва шу тобда унинг асосида ҳаракатланиш. Баъзан бу ички сезги кутмаганингизни, олдинги режаларингизга тўғри келмайдиганини айтиши мумкин: сиз қандайдир сиз учун йўқ нарсага ишонишингизга тўғри келар; ўзингизнинг одатий ҳолатингиздан кўра вазиятга мойиллигингиз ошганини сезарсиз; сиз фикрингизни, ҳисларингизни ва ўз қарашларингизни баён қила оларсиз, орзулар ёки тасаввурлар ортидан бориб, сизга бу нарса заруратдай озгина молиявий томондан таваккалчиликка ҳам қўл ура оларсиз. Бу қандай қилинади? Интуицияга ишониш ва уни ўрганиш лозим. Бу бир санъат, ҳамма санъатлар мукаммал бўлиши учун эса амалиёт керак. Сизнинг интуициянгиз ҳамиша юз фоиз тўғри, фақат уни эшитиш учун вақт керак бўлади. Интиуциянинг овозини бошқа ички овозлардан ажратиш кўпинча қийин бўлади – виждон овози, олдинги ишонч овози, ўзга одамларнинг фикри, қўрқинч ва иккиланиш, тўғри ғоялар ва "соғлом фикр". Афсуски, бошқа овозлардан интуициянинг овозини ажратишга кафолат йўқ. Бу йўлдаги биринчи қадам – ички туйғуларингизга эътибор бериш, ичингиздаги диалог нима деяпти? Мисол учун сизнинг Жемга қўнғироқ қилгингиз келяпти. Шу онда иккилантирувчи овоз сизга айтяптики: "Шу маҳалда унга қўнғироқ қилишнинг нима кераги бор? У уйида бўлмаслиги мумкин". Сиз дарров бу овозга қўшиласиз. Агар сиз нима бўлганда ҳам қўнғироқ қилганингизда-чи? У уйида бўлса-чи ва сизга жуда муҳим бўлган гапни айтганда-чи?..

Бу икки қарама-қарши овозни эшитиб, ҳеч қачон бўлган воқеадан четга чиқманг, бу малакани хосиласини кузатинг. Бу борада яхши кузатувчи бўлинг. Ички сезгингизнинг сўзига кирганингизда нима бўлганини сезасиз, албатта. Бундай вазиятларда ички қувват босими ортади ва ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаётгандай бўлади. Яна агар сиз иккилансангиз, сезгини бўғсангиз ва уларга қарши борсангиз, нима бўлишини сезишга ҳаракат қилинг. Бунда сиз ўша ондаёқ қувватнинг пасайишини, кучсизланишни ва кайфиятан ёки жисмонан оғриқни сезасиз".

Мана сизга яна бир самарали услуб, бундан танлов қилиш керак бўлиб қолганда фойдаланишингиз мумкин. Биз умуман ҳазиллашмаймиз: тангани отиб кўриш – онг ости билан алоқани ўрнатишдаги текширилган амалиёт. Танганинг икки томонига ўйлаганларингизни қўйинг ва отинг. Ўзингизнинг ҳолатингизни кузатинг. Агар танга решка томонга ётиб, режангизни амалга оширишингиз мумкинлигини айтса-ю, сиз ҳайрон бўлсангиз, демак, сиз ўз режангизга ишонмайсиз ёки уни амалга оширишни ростдан ҳам истамайсиз. Агар тушган натижадан қониққан бўлсангиз, бу сизга жавобдир. Мазкур ғоядаги мақсад тушган натижани қилиш ёки қилмасликда эмас, бу фақат қарор қабул қилиш учун танга сизга айнан қайси натижани исташингизни аниқлашингизда ёрдам беради.

Интуиция бўйича яшашни ўрганиб, ақлан қилинадиган қарорлардан воз кечишингиз керак

бўлади. Ҳар бир дақиқада ўз сезгиларингиз асосида ҳаракатланасиз ва келажак сизнинг олдингизда ўз ҳаракати бўйича олдинга одимлайди. Сиз бу билан тўғри йўналишни танлай оласиз. Қарорлар осон ва ўз-ўзидан қабул қилинаверади.

Агар сизга қандайдир қарорни қабул қилиш қийин бўлса, танаффус қилинг. Танаффус бир дақиқага, соатга, бир кунга ёки ундан ортиққа чўзилиши мумкин. Ўзингизга фактларни қайта кўриб олишга вақт беринг ва кейин ўз олдингизга аниқ муддатни қўйинг. Вақтинчалик чеклаш интуитив қарор қабул қилиш жараёнини жадаллаштиради.

Вақтга боғлиқ яна бир текширилган амалиёт – қарор қилиш муаммоларини уйқуга ишониш. Эрталаб – оқшомдан донороқ. Бу эскидан айтиб келинадиган матал адолатлидир, чунки тунда биз осонроқ онг ости билан мулоқотга киришамиз. Оқшом пайтида ечими топилмаган муаммоларни эрталаб осонгина ечиш мумкин: эрталабки ёруғлик орқали аниқлик ва ечим шундоққина кўзга кўринади.

Навбатдаги қимматли услуб – агар қарор қабул қилишда муаммолар бўлса ёки ғоя ва имкониятлар борасидами, "тарафдор" ва "қарши" рўйхатни тузинг. Бу услуб сал бошқачароқ туюлиши мумкин, аммо жуда самарали. Агар сиз бирор томонга овоз берсангиз, қарор осон қабул қилинади. Агар икки томонда ҳам овоз бир хил бўлиб қолса, унда онг остингиз қарор қабул қилишига изн беринг. У тўғри жавобни топади.

Битта билдириш: агар "тарафдор" ва "қарши" овозлар бир хил бўлса, унда режангиз жиддий муаммоларга дуч келади. Йўлдаги иккиланишлар сизнинг иштиёқингизни сўндириши ва ўзингизга бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келади. Режангизга тамомила ишонмасангиз, натижалар кутганингиздай бўлиб чиқмайди.

Асл вақт – айнан ҳозир

Асл вақтни кутиб кўпчилик хато қилишади. Бу шунчаки навбатдаги баҳона. Муваффақиятга йўлга тушишнинг айни вақти – бугун, ҳозироқ. Агар бирор кишига қўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз – қилинг, анчадан бери ёзмоқчи бўлган мактубингизни ёзинг, режани баён этинг. Буларни ҳозироқ қилинг.

Пайсалга солиш кўпчилик одамларни инқирозга учратган. Вақт ҳар қандай орзуга керакли озуқа. Бугунги ғоя бугун фойдали бўлиши мумкин, бир йилдан сўнг у муваффақиясизликка дучор бўлса, ажабмас. Телефон қўнғироғи шу пайтнинг ўзида мўъжиза ярата олади, бошқа пайт аҳамиятсиз бўлиб қолиши ҳам мумкин. Вазиятдан яхши чиқиш доим бор – *фақат уни ҳозир қилинг.*

Ҳамма иши юриб турган одамлар тез қарор чиқариб, ўша қарор асосида ҳаракатланишни ўрганишган. "Шошилиш – одамларни кулдириш", дейилади, аммо муаммоларни ечишни пайсалга солиш ва секинлатиш шошилгандан ёмон.

Қабул қилган қарорингизда туринг

Иши юриб турган одамларнинг яна бир феъл-атворлари шундан иборатки, вазият қандай бўлишидан қатъий назар, ўтмишдаги омадсизликлар бўладими, вақтинчалик қийинчиликларми, ўзгаларнинг салбий фикрларими, қабул қилган қарорларига содиқлар.

Қарорга содиқ бўлиш ички ишончингизни тасдиқлайди, тўғри йўлдалигингизни англатади. Қарорини тез ўгартирадиган одамлар муваффақиятга эриша олмайдилар. Беқарорликнинг сабаби сизнинг миянгизда иккиланиш ҳукмронлигидадир. Фикрлар ҳаётингизни ўзгартирар экан, демак, иккиланиш сизни инқирозга етаклаши аниқ. Ҳолбуки, муваффақият иккита ташқи омиллар билан белгиланади:

1) аниқ қабул қилинган қарор;

2) уни ишга солиш.

Сиз қарорга содиқ қолиш билан бирга ундан қачон воз кечишни ҳам билишингиз лозим. Бунда қарама-қаршилик йўқ. Ҳар қандай ҳолатда агар сиз ўз интуициянгизга ёндашсангиз, ўзингизга керакли натижани олаверасиз. Энг зўр ишбилармонларнинг ҳам қилган қарорлари улар кутган томонга йўналмаслиги мумкин. Шунинг учун керакли даражада эгилувчан ҳам бўлиш керак. Муваффақиятнинг яна бир калити – қайсарлик билан эгилувчанликни тенг ушлаб туришда.

Жуда тез енгилманг

Кўпчилик одамларнинг муваффақиятсизликка учрашларига сабаб улар тез таслим бўлишади. Омадсизликка учрашса, дарров оқ байроқни кўтаришади. Тез таслим бўлиш ғурурнинг пастлигида ёки ўзига ишонч йўқлигида. Полковник Сандерс муваффақиятга эришгунча ўн маротабалаб ҳаракат қилиб, ўрдакчаларини сота олмаган. Спорт анжомларини ишлаб чиқарувчи Head компаниясидаги бир муҳандис темир лыжаларини ишлаб чиқиш учун қирқ учта синовни амалга оширган. Агар у бешинчи ёки қирқинчи синовдан сўнг таслим бўлганида бошқа биров лыжани ихтиро қилган бўларди.

Ҳамма буюк ихтиролар омадсизликлардан кейин пайдо бўлган. Завқ билан фикрловчи одамлар биринчи синовдан кейин ўзларининг таслим бўлишларига йўл қўймайдилар. Ҳаммамиз олдинига ҳар бир ишда адашамиз, кейингина йўлини топамиз, албатта.

Кўпчилик ишбилармон одамлар бунга сирли кўринишдек қарашади: ҳаёт одамларни синайди, деб ўйлашади. Агар инсон қайсарлик ва ишонч билан муваффақиятлари йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишни бошласа, ҳаёт ўзининг тўсиқларини олади ҳамда ҳайрон қоларли даражадаги куч билан инсон учун шараф ва муваффақият оқиб кела бошлайди. Муваффақият асосан оғир муваффақиятсизликдан сўнг юради, ҳаёт гўё жиддий тўсиқларни енгиб ўтган довюракни мукофотлайди.

Энг зўр ишбилармон одамлар ҳам муваффақиятга эришишларидан олдин омадсизликка учрашган, бир марта эмас, кўп бора. Аммо

улар таслим бўлишмаган. Улар қайта ва қайта синаб кўришаверган.

Ўтмишдаги хатоларингиздан ўрганинг

Хато қилиш айб эмас, бироқ ўша хатони қайтариш – вақтни бесамар ўтказишдир. Агар биз хатоларимизнинг сабабини яхшилаб тафтиш қилсак, унда йўл қўйилган салбий омилларни аниқлай оламиз ва тушуниб етамиз, сўнг мақсадимизга эришамиз. Шундай қилиб, ҳар бир омадсизлик бизни ютуққа яқинлаштиради.

Аҳд қилиш – бу сифат кўпчиликда етишмайди. Баъзилар бу сифат билан сахийлик ила тақдирланишган. Буни қайсарлик билан алмаштириш ярамайди. Ўзгарувчан шароитга тез мослашиш – муваффақият калитларидан бири, бундай калитлардан яна бири дастурий услуб ва хато. Интуицияга ёндашинг, ҳаракатланинг ва таслим бўлманг.

Honda компаниясининг раиси Сохиро Хонда бу борада қуйидагиларни айтади:

"Менга қийин бўлганда ва дилим хуфтон бўлганида, биламанки, мен қидираётган хазинанинг эшиклари очилиш арафасида. Бошимда ёруғлик ва умид учқунлари пайдо бўлганда мен узоқ муддатли оғир меҳнатларимни унутаман".

Муваффақиятга эришган ҳамонимиз барча қилган хатоларимиз биз учун ўқиб-ўрганганларимизнинг асосий қисмига айланади. Биз ўтмишимизга ачинмаймиз, чунки қилган хатоларимиз эвазига улардан ўрганиб, шундай муваффақиятларга эришмадикми?!

Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар

1. *Нимани хоҳлайсиз?* Ўз хоҳишларингизни оддий тилда баён қилинг ва онг остингизга йўриқнома беринг. Ўз исталарингизни ёзинг. Уйқудан олдин уни ўзингиз учун қайтаринг. Онг остингиз ўзининг чексиз кучини кўрсатади ва керакли одамларга, керакли жойга ва шароитларга йўллаб, орзуларингизга етишингизда катта ёрдамчи бўлади.
2. *Бошқалар қийинчиликни ва иложсизликни кўрадиган жойдан сиз ёқимли имкониятларни қидиринг.* Ҳар қандай тўсиққа имкониятни изланг. Ҳар қайси оғир ҳолат ўзида фойдали дарсни мужассам қилишига ишонсангиз ва ундан ўргансангиз, бу сизнинг муваффақиятга эришишингизни тезлатади.
3. *Ҳар доим интуициянгизга ишонинг.* Интуициянгиз овозини эшитиб, унинг айтганларини қилишни ўрганишни истасангиз, камида ҳар куни икки марта "алоқа боғлаш" машқини қайтаринг. Ўзингизни бўш қўйинг ва ички кечинмаларингизга қулоқ солинг. Ёрдам ва етакчиликни сўранг, бунга муҳтожлик сезсангиз, албатта, турлича кўринишда келган жавобларга эътибор беринг: сўзга ўхшаб, тимсол ёки сезги биланми, ичингизданми ёки ташқаридан келадими, қулоқ тутинг.

V БОБ. ЎЗИНГИЗГА ЁҚҚАНИНИ ҚИЛИНГ

Мен аниқ айтаманки, агар одамда истеъдод ва билим бўлса, у ўз ишини очиши керак ҳамда ўз ҳаётининг эгаси бўлиш лозим.

Жорж Лукас
Lucas Arts компаниясининг асосчиси ва раиси

"Мен ўзимнинг ишимни очишни истардим, аммо менда иқтидор ва маблағ йўқ".

"Мен актёр бўлмоқчи эдим, аммо ота-онам устимдан кулишди. Ва мен ҳукумат хизматига кирдим".

"Мен ишимни ёмон кўраман, лекин бу ишсизлик авж олган пайтда, ишлаб чиқаришда қисқаришлар бўлаётган даврда бошқа яхши иш қидириш шартмас".

"Мен доим юрист бўлишни истаганман, аммо ўқиш учун кўп йиллар керак".

Бу сўзларни қанчалар кўп эшитгансиз? Сизнинг хаёлингизга бундай фикрлар неча маротаба келган? Ҳар бир ўнинчи киши қанчалар ишидан мамнунлигини айтиши мумкин? Афсуски, одамларнинг кўпчилиги бир бурда нон учун қилиб юрган ишларидан норизо бўлишади. Улар бу ҳаётларини ўзгартиришларига кўзлари етмайди. Тақдир уларни умрбодга шу қийинчиликка маҳкум қилган.

Агар сизга ишингиз ёқмаса, қуйидагиларни ўйланг: қилишни истаган нарсаларингизни қила олмай, охир-оқибат ўлиб кетасиз. Ахир, сиз бошқа нарсага лойиқ эмасмисиз?

Одамларнинг оддий бир кунларини олайлик: уларга қувонч бағишламайдиган ишда саккиз соат ишлашади ва саккиз соат ухлашади. Уларнинг саккиз соат бўш вақтлари бўлади, холос. Бу вақтни улар қайта тикланиш ва қийналаётганларига ҳайрон бўлиб ўтказган кунларини унутиш учун сарфлашади. Бундай қониқмасдан яшашлик эр-хотинлик ришталарига, фарзандлари ва дўстлар билан муносабатларига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Барибир улар шундай яшашни давом эттиришаверади, гўё бундай яшаш улар учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Кўпчилик одамлар иштиёқсиз ҳолда душанба куни эрталаб ишга отланишиб, "Қачон бу зерикишлардан қутиларканман?!" деган ўй-хаёллар билан жумагача соатга қараб беш кунни ўтказишади. Ҳақиқий ҳаётни улар ҳафтада икки кун кечиришади, холос. Шанба аста-секин бўшашиб, ҳаёт учун керакли нарсаларни олишга сарфланса, якшанба яна зерикарли ва қайғули кунларнинг боши душанбанинг бошланишини тасаввур қилиш билан ўтади. Улар бу аҳволга йилдан йилга чидаб яшашаверади.

Бу ачинарли, суст ҳаётни ўзгартириш мумкин. Ҳеч нима сизга ёқмайдиган ишни қилишингизга мажбур қила олмайди. Бу йўналишда ҳамма вақт ижобий бирор нарса қилиш мумкин. Ҳар бир одам учун у яхши кўрадиган иш

топилади. Бу ишга ҳозирдан киришишингиз мумкин. Ахир, ҳаёт шундай ёмон қурилганмики, доим бизни қониқмасдан юришга мажбур этса, истаган нарсамизни қилишдан маҳрум қилса? Ҳаёт бунчалар шавқатсиз эмас. Танлаш ўзингизнинг қўлингизда!

Ҳаётдан биз нимани кутсак, айнан ўшани беради

Орзуларнинг амалга ошишига ишончи бўлмаган одамлар ўзлари хоҳлаган нарсага эга бўла олишмайди. Уларнинг бунчалар аминликлари малакалари билан тасдиғини топади. Улар ҳаётдан нимани кутишса, айнан ўшани олишади: зерикиш, ажабланиш, муаммолар ва оз даромад. Одамлар ўзларини ким деб ҳисобласалар, ўшандайлар – ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас.

Бахтли бўлиш учун, ҳаётдан мамнун бўлиш учун, ўзингиз билан бўлиш учун, нимани хоҳлашингизни билиш учун, ўзни кўрсата олиш учун ва буларга эришиш учун инсон ўзидаги чидамни топиши керак. Қўрққанимиздан истакларимизни бўғишни тўхтатишимиз лозим, иккиланиш ёки қандайдир ўртача ҳаётга мослашувни ҳам.

Муваффақиятга эришишда аввало сиз ўзингиз ёқтирган ишни қилишингиз керак. Агар ишингизни ёқтирмасангиз, у сизга қувонч бағишламаса, ўша ишни яхши бажара олмайсиз. Бу асл тамойил. Агар сиз юракдан бирор нарсага қайғурмас экансиз, қувват ва мослашишнинг шу онда пасайишини ҳис қила бош-

лайсиз, бу натижаларга таъсирини кўрсатади ёки агар сизга қилаётган ишингиз ёққанида нимани олишингиздаги натижалар ўрнини бўшатади. Кейин эса биласизки, сиздан ҳамма, бошлиқлар, касбдошларингиз, мижозлар ёки харидорлар норозилар.

Ўз ишидан қониқмаган хизматчининг хизмат поғоналаридан кўтарилиши ва маошининг ошиши даргумон. Ўз бизнесидан қониқмаган ва уни ёқтирмайдиган тадбиркорнинг компанияси гуллаб-яшнашига ҳам ишониб бўлмайди. Биламизки, ҳеч ким ёлғиз ишламайди, шунинг учун унинг бундай қониқмаслиги ёнидаги ҳамкасбларига ҳам салбий таъсирини ўтказиб, уларни ҳам ўзи билан пастга судрайди. Бу унинг моддий томондан оладиган мукофотига ҳам таъсири бўлади. Кам иш ҳақи ишингизнинг сифатли чиқмаслигига сабаб бўлибгина қолмай, ўзлигингизни йўқотиб қўйишингизга олиб келиши мумкин. Салбий айлана пайдо бўлади!

Марк Маккормек ўзининг "Гарвард бизнес мактабида нимани ўқитишмайди" китобида бу ҳолат ҳақида ажойиб сўзларни ёзади:

"Эгри ўқитиш тўғриланганда зерикиш пайдо бўлади. Бу ҳолат ҳар қандай одамда, ҳар қандай босқичдаги корпорацияларда юз бериши мумкин. Шунингдек, бу кўпинча иши олдига босган одамларда бўлади,чунки яна олдинга ўсиш учун ўта жиддий синовлар ва ўта шижоат бошқалардан кўра уларга керак бўлади. Сизга зерикарлими, бунга ўзингиз сабабчисиз. Сиз ишингизни қизиқарли қилишга ҳаракат қилмаяпсиз. Яна бир бошқа нарса, балки сизга яхши

нарсаларни таклиф қилишмаётгандир. Нима қилиш сизга ёқади? Шуни аниқланг ва сиз муваффақиятга эришасиз".

Нимани севсангиз, ўшани қилинг

Биз ўз ишингизни севишингиз керак, деганимизда мукаммал иш хафагарчиликлардан, ажабланишлардан ва муаммолардан холи, демоқчи эмасмиз. Ҳар бир ишбилармон одам бундай салбий даврни ўша севган ишида ҳам бошидан ўтказган. Сизнинг орзуингиздаги иш ҳар куни ердаги жаннатдай бўлмайди. Бу чин севгига ўхшайди: икки кишини боғловчи чамбарчас ришталар – бу уларнинг йўлларида учрайдиган муаммоларни ва тўсиқларни биргаликда бартараф қилиш демакдир. IBM асосчиси Томас Уотсон бу борада шундай дейди:

"Юрагингиздан ишингиз учун жой ажратинг ва ишингизга юрагингизнинг кичик бир қисмини жойланг".

Муваффақиятли одамларни юракларидаги шижоат бошқаради. Улар романтик бўладилар, гап санъат ёки бизнес ҳақида кетяпти. Уларнинг ишларига бўлган севгилари туртки беради ва қандайдир янгилик яратишга интилишади, янги синовлар билан учрашишга, навбатдаги таваккалчиликка қўл уришга иштиёқманд бўлишади. Улар юракларида орзуларини олиб юришади ва уларни амалга ошириш учун ҳамма нарса қилишади.

Эҳтирос кучи

Ненси Андерсон ўзининг "Эҳтирос билан ишланг" китобида эҳтирос ҳақида шундай ёзади:

"Эҳтирос – бу кучли ҳаяжон тўла руҳланиш. Бундай сезги бирор-бир нарсага ва одамга нисбатан кучли эътиборга эга одамларда бўлади. Инсондаги эҳтирос жумбушга келса, яхшилик қилиши ҳам, ёмонликка қўл уриши ҳам мумкин. Тарихда эҳтироси кучли одамлар нималарга қодирликларини кўрсатиб келишган. Ҳеч қайси севги тарихи, одамзот ҳаётидаги иқтисодиёт борасидаги ўзгаришлар, фалсафа ёки санъат соҳаси бўладими, эҳтироси кучли шахсларнинг иштирокисиз бўлмайди. Ҳар қандай одам жумбушга келадиган эҳтиросни ҳис этиши мумкин. Лекин ҳамма ҳам унга суяниб иш кўрмайди. Биз бу туйғуни кўпинча яширамиз, чунки ёшликдан олган тарбиямиз туфайли уни кўпинча боғлаб қўйишимизга тўғри келади.

Куч – бу ҳаракатлана олишдир. Вояга етиб, қарорларни ўзингиз танлайсиз.Энди ўзингиз хоҳламаган ишингизни қилишингизга ҳожат йўқ – сиз ўзингиз ёқтирган ва истаган ишингизни қилишингиз мумкин. Мана шу ҳаракатланишдаги эҳтиросдир".

Ўзингизга шундай савол беринг: агар сиз миллион доллар ютиб олганингизда ишлаб турган жойингизда қолармидингиз? Агар "ҳа" десангиз, унда сизни табриклаймиз! Агар "йўқ" десангиз, унда ҳаётингиздаги ўзгариши керак бўлган асосий мақсадингиз, юқоридаги савол-

га ишонч билан жавоб бера оладиган ҳолат бўлиши керак. Мана ўша сизни мақсадингизга яқинлаштирадиган бир неча тамойиллар:

- Бахт ва муваффақиятга эга бўлиш учун ягона имконият – ўзингиз севган иш билан шуғулланиш. Ҳар биримиз учун мукаммал иш бор ёки хизматда кўтарилишимиз, биз буни бошқалардан кўра яхшироқ бажаришимиз ҳам мумкин.
- Сиз қачонки қатъиятли, ишингизга ўз қувватингизни бера олсангизгина, хоҳлаган ишингизда ишлашингиз мумкин.
- Фақат ўзингиз ўз тақдирингизнинг эгасисиз, ўзингизгина сизга нима ёқишини ҳал қиласиз. Муваффақият йўлидаги энг катта тўсиқ – бу ўзингиз.
- Ўзингизга ёққан ишни қилишдан қўрқманг. Қўрқинчга асосланган руҳий тўсиқларни йиқитинг ва сиз ютуққа эга бўласиз.

Hanover Insurance суғурта компаниясидаги Уилям О`Брайен ўз интервьюсида айтган сўзларини Питер Сенж ўзининг "Бешинчи интизом" китобида келтириб ўтган:

"Асосий ҳаётимиздаги вақтимизни ишга бағишлаб, ҳаётий қониқишни фақат бўш маҳалларда қидириш бахтли ва мукаммал инсон бўлишимизни чегаралаш демакдир".

(Демак, бундан чиқди, одам ўз ишини бажариб дам олиши керак, бўш вақтни кутмай!)

Соҳангиз бўйича энг зўри бўлинг

Генри Форд ўзининг автобиографиясида қуйидагича ёзади: "Мен шундай аҳд қилдимки, даромадлар ишдан устун қўйиладиган компанияда ҳеч қачон ишламайман". Форднинг фикри бўйича, "ҳақиқий бизнеснинг мустаҳкам пойдевори хизмат қилишдир".

Муваффақият яхши хизмат қилишдан қурилади. Муваффақиятли хизмат қуйидагича барпо этилади: соҳангиз бўйича бор куч билан ишлаб, энг яхши бўлиш. Кўпчилик яхши ишбилармон кишилар соҳалари бўйича ишлаш жараёнларида сидқидилдан бажаришга бирор сабаб топишади, биринчи навбатда ўзгаларга ёрдам берадилар. Даромад улар учун асосий мақсад эмас, лекин улар даромад учун ишлайдиганлардан кўра кўп пул топишади. Apple Computer асосчиси Стив Жобс шундай деганди: "Биз бу иш билан пул топиш учун шуғулланмаймиз, маориф тизимидаги жараён бизни ҳавотирга солгани учун бу билан машғулмиз".

Бойлик – бу биз қилган хизматимиз учун тақдирланишимиз. Яхши хизмат қилиб, бизга лойиқ мукофот илинжида бўлсак бўлади. Шунинг учун онг остини дастурлашимиз керак, қанчадир вақт ўтгандан сўнг ўз соҳамизда энг яхши бўлиш учун. Чин дилдан хизмат қилсак, бизга барака уруғлари мукофот қилиб берилади.

Танлаган соҳангиз бўйича эксперт бўлинг

Йиллар давомида одатий услубда билим олиш муваффақият учун бўлмаса-да, барибир танлаган соҳангиз бўйича эксперт бўлишга ҳаракат қилишингиз керак. Компьютер билан жиҳозланган замонавий дунёда бир ойлик қўлдан чиқарилган вақт тарихга айланиши мумкин. Муваффақиятнинг асосларидан бири – соҳангиз бўйича чуқур билимга эга бўлиш. Бундай билимнинг йўқлиги – муваффақият йўлидаги енгиб ўтилиши қийин бўлган тўсиқлардан бири.

Даромадни ўйлашдан олдин жамиятга қандай маҳсулот, қандай ҳизмат кўрсатиш ҳақида бош қотиринг. Агар сиз яхши маҳсулот ёки хизматни жамиятга таклиф қилиб, ўз соҳангизда энг зўр бўлишга эришсангиз, эътиборингизни хизмат қилишга қаратсангиз, пул ўз-ўзидан оқиб келаверади. Бу ҳеч қачон хижолатга қўймайдиган эски, аммо мустаҳкам қонундир.

Мукаммал бўлинг

Услубий билим муваффақият гарови бўла олмайди. Қандайдир кўпроғи керак – мукаммаллик учқуними ёки бироз қўполликми, бу нарсаларга оддий мактабларда ўқитишмайди ва буни оқлашмайди ҳам. Мактабда кўпинча фикрлаш жараёнларини умумийлаштириб, бир хил оқимда ўргатишади. Бунда инсоннинг янги имкониятларни кўриш, мукаммал қарорлар қабул қилишга бўлган ижодий руҳияти сўнади.

Маориф тизими, қолаверса, жамиятнинг таъсири кўп ҳолларда шахсий интилиш ва қизиқишларни бўғади. Бундай шахсиятни бўғиш ёшлик чоғиданоқ бошланади. Конформизм, қўрқинч, атрофдагилардан ажралиш онг остимизга дастурлангани учун бизнинг орзуларимиз, ижодий ғояларимиз ва умидларимизнинг авж олишини тўхтатиб туради.

Ҳар бир одамда атрофдагиларга ўхшагиси келиш ҳисси бор бўлади, айниқса, ёшлик пайтида. Афсуски, кўпчилик одамларнинг ишга бўлган эҳтироси йўқ, пул ортидан қувадиганларга ўхшашни яхши кўришади.

Ингичка ички овоз барибир ичимизда яшашни давом эттираверади. Қўрққан ва эзилган ҳолда у пичирлаб, жамият олдидаги кўринишингиз қалбаки эканини айтади, бизнинг табиатан ҳақиқатимиз ёпиқлигича ва кўринмасдан қоляпти, дейди. Агар биз ўзлигимиздан, асл талантимиздан ва имкониятларимиздан кечсак, ўзимизни умрбодга зерикарли ва қониқмасликка маҳкум этган бўламиз.

Агар биз ютуққа эришмоқчи бўлсак, бошқалардан ажралиб туришимиз керак. Биз доим тамомила ўзимиз билан ўзимиз бўлишимиз лозим, ҳеч қачон аслимизни кўрсатишдан қўрқмаслигимиз даркор. Ҳар биримиз – ажойиб етук шахс бўлиш билан бирга ажойиб ҳаётий мақсадга эгамиз. Ҳар биримиз мукаммалмиз.

Истакларни чин ва беғубор ниятларга айлантиринг

"Менда нима билан шуғулланиш ҳақида тасаввурнинг ўзи йўқ". Таниш сўзлар, тўғрими? Бу кўп тарқалган шикоятлардан. Жуда кўп одамлар мана шу ҳолатларга аралашиб қолишади, шунинг учун ўтириб, ушбу китобдаги барча берилаётган саволларни ёзиш лозим. Бу туман қоплаган саволларга жавоб топилганда ўша заҳоти тарқаб кетади, албатта. Одамлар ҳаётда нима қилишни билмайман, деб шикоят қилишганда, бу аниқ бир нарсани англатадики, улар йиллар давомида ўз интилишларини ва ички ўзликларини бўғиб келишган. Нимани дир кутиб яшайдиган ва атрофдагилардек яшашга ўрганганликлари сабабли ўзларининг кимликларини унутиб, иккиланиш уруғларини экишган.

Нима билан шуғулланишни билмаган ҳолда ўз олдига аниқ мақсад қўйган одамларнинг ютуққа эга чиқишлари қийин бўлади. Тўғри ва аксинча: агар биз ҳаётда нима билан шуғулланаётганимизни аниқ билсак, бизнинг истакларимиз беғубор бўлса, уни рўёбга чиқаришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатувчи имконият, албатта, пайдо бўлади. Тўғри ва аниқ талқин қилинган хоҳиш одатда тез рўёбга чиқади.

Аниқ, тўғри чизиқли истаклар, ҳадикдан, икки фикрлиликдан, қарама-қаршиликдан холи бўлган ниятлар камдан-кам ҳолларда учрайди. Чангитувчи, хира тортган ниятлар онг остини туманлаштиради. Тозалов ичкаридан

бошланиши керак – биз ўз ниятларимиз ва истакларимизнинг аниқ суратини кўра олишимиз лозим. Биз уларни аниқ белгилаб олиб, сўнг амалга оширишимиз керак.

Бу зарурий ички ўзгаришларга бефарқ бўлиш ярамайди. Биз ҳали нимани исташимизни аниқ билмас эканмиз, уни қабул қилмаймиз. Сизнинг муваффақият калитига эга бўлиш учун қилишингиз керак бўлган нарса – ким бўлмоқчилигингизни, нима билан шуғулланишни ва нимани хоҳлашингизни аниқ билишингиз.

Шу ўринда яна Дипак Чопранинг уйғун фикрли сўзларини қайтаришимизга тўғри келади: "Ҳар қандай нарсани ният қилишда ва хоҳишда, албатта, уруғ ҳамда унга ишлов бериш учун механизм бўлади". "Муваффақиятнинг етти маънавий қонуни" китобида Чопра бу ният ва истак тушунчаларни аниқ ёритиб берган ҳамда унга ҳақиқий узоқ муддатли муваффақиятнинг калитларидан яна бири деб *ўсишни* қўшимча қилади.

"Ният ўз-ўзидан бўладиган, кўп куч талаб қилмайдиган, бир хил қувват оқимидан холи, йўқдан бор қилишга интилувчи пойдеворни ётқизади. Ният – асл куч, у истаклар ортига яширинган бўлади. Ният ўз-ўзидан улкан қувватга эга, ният аслида бу – боғланиб қолмаган хоҳиш. Хоҳиш ўз-ўзидан ажойиб, кўпчилик одамларда хоҳиш бу – натижага боғлиқ ният. Ният ўсиш билан уйғунлашиб, инсон эътиборини ҳозирга, айни оқимга қаратишига ундайди. У ишга киришган пайтда мўлжал келажак бўлади, аммо сизнинг эътиборингиз ҳозирги вази-

ятга михланган бўлади. Эътиборингиз ҳозирга қаратилган бўлса-да, ниятингиз келажакка мослашишни бошлайди, ваҳоланки келажакни қуриш ҳозирдан бошланади. Ҳозирни қабул қилинг ва келажакни мўлжалга олинг. Келажак ниятнинг ўсиб боришидан қурилади".

Ўз истакларингизни асл ранг-баранг хоҳишга айлантиринг, кейин хоҳишларингизни ниятга ўгиринг. Агар сиз бирор нарсани қилишни ният қилсангиз, 90% бўлиб кўринган тўсиқлар ўз-ўзидан йўқолади – ва сиз қолган 10% тўсиқларни енгиш учун ҳамма асбобларга эга бўласиз. Айнан мана шу ниятнинг кучи!

Агар сиз бирор нарса қилиш учун қандайдир аниқ натижага боғланмаган асл, мусаффо ниятга эга бўлсангиз, сиз муваффақиятнинг ғолиблик формуласига эга бўласиз.

Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар

Ўз соҳангизда энг зўр бўлмоқчи бўлсангиз:

1. *Ўз ҳаётингизни тафтиш қилинг: у қанақа? Кейин унинг қандай бўлишини (хоҳишингизни) тасаввур этинг.* Агар сиз яхши кўрмайдиган ишингиз билан шуғулланаётган бўлсангиз, бунинг сабаблари рўйхатини тузинг, хаёлингизга келганини, сизнинг ишончингизни тасдиқлайдиганини, сиз истаган ва кўнглингизни кўтарадиган иш билан шуғулланишга тўсиқ бўлаётган сабабларнинг рўйхатини тузинг. Кейин бу рўйхатнинг ҳар бир бўлимига аҳамият қа-

ратинг. Бу тўсиқларни чиндан ҳам енгиб бўлмайдими? Агар сиз бу китобда ёзилганларнинг асл тамойилига тушуниб етган бўлсангиз, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиб, уни ёқимли имкониятларга айлантириш мумкин. Агар сиз қила оламан ёки қила олмайман, десангиз, икки ҳолатда ҳам ҳақсиз.

2. *Ўзингиздан сўранг-чи, дунёнинг ҳамма пули ва вақти ихтиёрингизда бўлганда нима билан шуғулланган бўлардингиз?* Агар ўз ишим билан шуғулланишни давом эттираверардим, десангиз, унда сиз ўз ишингизни эҳтирос билан яхши кўрар экансиз. Агар сиз бошқа иш билан шуғулланардим, десангиз, унда ўзингиздан сўранг: "Ўзимга ёққан иш билан қандай қилиб шуғулланардим? Менга мукаммал бўлиб кўринаётган ўша ҳаётда қандай яшашни бошлардим?"
3. *Қанчалар тез ва кўп бор ичингиздаги гапга қулоқ соласиз?* Ҳаётдан нимани кутсангиз, ўшани беради. Сиз ҳаётингиз сценарийсини ҳар бир сўзи-ю ўй-хаёлларигача ўзингиз ёзасиз, шунинг учун ҳам яхши ёки ёмон сценарий ёзиш ўз қўлингизда.
4. Жараён мобайнида қуйидаги ўрнатишларни ёки муваффақиятнинг формулаларини ўзингизга қайтаринг:

- Мен ажойиб шахсман. Менда оламга тақдим қила оладиган нарсам бор.
- Ўзим билан бўлишга ҳаққим ва мажбуриятим бор Мен катта муваффақиятларга

эришяпман. Мен ўз ҳаётимга муваффақиятни ва гуллаб-яшнашни таклиф қиламан.

- Мен ўзимнинг хизматимни кўрсата олишимга ёрдам берадиган одамларни ва вазиятни ўзимга жалб қила оламан.
- Ҳар куни ҳар қандай муносабатларда мен яхши ва янада яхши бўлиб бораверaман.

5. *Оқшом уйқудан олдин онг остингиздан муваффақиятга қандай қилиб эришишни, ўзингизга керакли пулни топишни, инсониятга ва бутун оламга қандай хизмат кўрсата олишни тушуниб етишингизга ёрдам беришини сўранг.* Ўз ичингизда жавоб билан ва ҳамма ўзингизга кераклигини топгандай уйғонинг. Катта кучга эга онг ости сиз уни керакли йўналишга йўламагунингизча кун ва тун бўйи фойдангиз учун ишни бошлайди.

VI БОБ. МАҚСАДЛАР СЕҲРИ

Бошлаган ишимни охирига етказиш мобайнида менга ҳеч нарса халақит бермаслиги учун мен олдинига етарли пулни ишлаб топишга қарор қилдим.

Уильям П. Лир,
Lear Jet Inc компанияси директори

Соҳамиз бўйича ҳаммасига улгуришимиз учун ўз эҳтиросимизни чиқариб, ўз режаларимизни амалга оширишга эътиборимизни қарата оламиз. Энг яхши режалар – энг содда режалардир. Томас Питере ва Роберт Уотермен ўзларининг "Етукликни қидириб" номли китобларида соддалик мавзусида мулоҳаза юритадилар:

"Кўпчилик менежерлар ўз вақтида ўта билимли ва ақллидирлар. Улар доим йўналишни ўзгартириб, қандайдир босқичдаги кутилган қийматларни кўзлашади. Улар ишлаб чиқаришнинг илк босқичини ўз ичига олган, ўзгартирилиши мумкин юзлаб услубларни қуришади, ишчилар борасида мураккаб тизимларни ишлаб чиқишади, негиз структураларини тузишади, 200 бетли стратегия режаси ва 500 варақка ёзилган бозор талаблари дейсизми...

Уларнинг "айёрмас" ҳамкасблари бошқалар. Нимага ҳар бир мижоз учун ҳатто картошкали чипсларни ишлаб чиқаришда ҳам алоҳида ёндашишнинг иложи йўқлигини улар шунчаки тушунмайдилар. Уларга бир шиша ачиган пиво сотишга тўғри келиб қолса, виждонлари қийналади, бу яхши, албатта. Улар, шунчаки, нимага доим янги маҳсулотлар оқими бўлишини ёки нега оддий ишчи вақти-вақти билан ўзининг ғояларини ва таклифларини киритиши мумкинлигини тушунишмайди. Улар чиндан ҳам соддалар. Ҳа, соддалик ўзи билан салбий фикрларни олиб юради. Аммо барибир кўпгина катта корпорацияларнинг бошқарувчилари ҳам салгина соддадил бўлишади".

Биз ўзимизга керакли пулни ишлаб топишимиз мумкинлигига ишонишимиз учун, ўз орзуларимизга ишонишимиз учун, атрофдагиларнинг писсимизмларига эътибор бермаслигимиз учун бизда яхши соддалик ва беғуборликдан захирамизда бўлиш керак. Ортиқча бепарво одамлар, интеллектуаллар ҳаммасига улгуришлари мумкин, аммо қобилият муваффақият мавқесини чегаралашга қодир. Қайсидир маънода чеки йўқ орзу қилишни ҳам чегаралаши мумкин.

Олдингизга битта ёркин мақсадни қўйинг

Муваффақият нималигини билмаган одамларнинг олдиларига қўйган аниқ мақсадлари ҳам бўлмайди. Мақсадлари бўлса ҳам, қандай-

дир маънода ўзгармас бўлади, улар ҳаммасига улгуришган бўлишса-да, одатий босқичда ёки муваффақиятсизликда кўринади.

Баъзи одамлар ўзларининг онг остиларидаги негатив ҳолатларнинг кучли босими туфайли олдиларига мақсад қўйишга ҳаракат ҳам қилиб кўришмайди. Ҳамма ишбилармон одамлар ўз олдиларига аниқ мақсадни аниқ муддати билан қўйганларидан сўнггина ўз орзуларини амалга оширишни бошлашган. (Бу қоидадан ўзгача бўлиши ҳам мумкин, аммо гап ҳозир бу ҳақда эмас.)

Ўз олдингизга ўзингиз хоҳлаган, керакли миқдордаги даромадни кўзлаган асл мақсадни қўйинг ва бу мақсаднинг ривожини белгилаб, жадвал тузинг. Ана шунда муваффақиятли одамларни омадсизлардан ажратиб турадиган нарса айнан шундай мақсадлар ва режалар эканини билиб оласиз. *Биз режалаштирган мақсадларимизгагина ета оламиз, ортиғига ҳам, камига ҳам эмас.*

Бизнес ҳақидаги китобларда кўпинча ўз маҳсулотини бир ойда 25.000 доллардан ошириб сота олмаган савдогар ҳақида гапирилган. Олдинига унга савдо учун ҳудуд ажратилди, ўша ҳудуддаги ўртача савдо босқичи бу суммадан озроқ эди, 25.000 доллар эса унинг учун муваффақиятли савдо эди. Сотувчига уни тақдирлаш илинжида бошқа яхши савдо бўладиган жойни беришади. Натижа эса ўзгармай, ўша 25.000 долларлигича қолаверади. Сотувчи дуч келган муаммо унинг мақсади ва "Мен-образ"ида эди. У 25.000 доллардан ортиқ савдо қила олмайман, деб ўйларди ва бунга онг ости

ҳам ўрганганди. Бу воқеа онг ости ҳақидаги фикримизнинг тасдиғи, биз онг остимиз билан ишонган ҳар қандай ютуққа эга бўла оламиз.

Сизнинг ҳаётий тажрибангиз ўз олдингизга қўйган мақсадларингиз билан боғлиқ. Аслликдан йироқ, тушунарсиз мақсадлар ёки уларнинг йўқлиги салбий натижаларни беради ёхуд умуман натижасиз бўлади. Бошқа томондан, ўз олдига аниқ белгиланган мақсад қўйиб, уни аниқ режа билан мустаҳкамлаган ҳар бир одам, албатта, ўз хоҳлаганига эришади.

Нимага бундай бўлади? Жавоб бизнинг онг остимизда яширинган: аниқ мақсад – онг остини энг оддий ва самарали дастурлаш учун дастак. Мақсадга эришиш учун кўп жон куйдириб ишлашингиз керак бўлмайди, ҳатто оз ишлашингиз ҳам мумкин. Тарихда муваффақиятни узоқ соатли тер тўкилган меҳнат самараси деб ҳисоблашган. Аммо сиз мақсадга мослашиш, салбий фикрлардан фориғ бўлиш, мақсадга эришиш учун онг остини дастурлаш ниятингизга енгил етишишингизга ёрдам беришини тезда билиб оласиз. Оз ишлаб, яхши натижаларни қўлга киритасиз. Бу тасдиқларнинг адолатли эканига кўпчилик муваффақиятга эришган одамлар амин бўлишган – уларнинг сирлари мақсадларининг аниқлигида.

Келаси йилга мақсадингиз қандай? Қанча пул ишлаб топишни хоҳлайсиз? 50.000 долларми? 100.000 долларми? 500.000 долларми? Миллионми? Агар сиз ўз ҳаётингиз босқичини чиндан ҳам кўтаришни истаган бўлсангиз – асл қонуний равишда бўлса – ўзингиздан сўранг: қан-

дай мақсадни олдингизга қўйишингиз керак? Агар сиз ёрқин келажакни истасангиз, мақсадлар қўйинг ва белгилангки, уларга етишиш учун қанча вақтни сарфлаб, унинг учун қанча қувват йўллай оласиз? Агар сиз аниқ кўзланган мақсадсиз барча ижобий йўналишларда фақат орзу қилаверсангиз, сиз кутаётган "мўъжиза" рўй бермайди. Шуни билингки, сиз ўзингизни қанчага баҳоласангиз, ўшанча турасиз.

Ҳар қайси муваффақиятга эришган одам ҳақиқатни билади: агар сиз олдингизга аниқ мақсадни қўйсангиз ва унга етишиш учун қадам ташлашни бошласангиз, онг остингизни ишонтириш учун ниятларингизнинг жиддийлиги талаб қилинадиган қадамлар бўлиши керак – шунда сиз хоҳлаганингизга етишганингизга ишонч ҳосил қиласиз.

Сиз ўйлаганингиздан кўпига лойиқсиз

Одамлар ўзларига ёрлиқдай ёпиштириб олган энг катта чегаралаш ўз фикрлари ичида туғилади. Инсон ўзини қанчага баҳоласа, ўшанча туради, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас. Кўпчилик одамлар ўзларининг имкониятларини билишмайди, ҳатто улар ташқаридан ўзига ишонган кўринишса ҳам. Ўзини қалбан жуда қимматли шахс деб ҳисоблайдиганлар озчиликни ташкил қилади. Аслида ҳар бир одам ўзини бебаҳоман, деб ҳисобламайди ва шунинг учун ҳам атрофдагиларни ҳурмат қилибми ёки даромаднинг катталиги туфайлими, муваффақиятга лойиқман, дейишмайди.

Ўзининг "бозор баҳосини" оширишнинг энг яхши йўли – ўзи ўзини баҳолаш. Биз сизни фундаментал ички ўзгаришларга эришишдаги услублар билан юқорида таништирдик. Бу услублардан яна бири – аниқ молиявий мақсадлар устида ишлаш.

Аниқ мақсад қўйиш асл сеҳр кучига эга

Биринчи марта ўз олдингизга молиявий мақсад қўйганингизда сизда аниқликни ва ният кучларингизни чегаралайдиган баъзи спектизм босқичлари сақланиб қолган бўлади. Шунинг учун ҳам бошланишида ўз олдингизга амалга ошадиган мақсадларни қўйинг; агар сиз биринчи мақсадга эришсангиз, кейинги мақсадларнинг амалга ошишига янада ишончингиз ошади. Ҳар бир мақсадингиз сиздан тиришқоқликни талаб қилиши керак. Ўз олдиларига биринчи марта аниқ мақсадни қўйганлар куни келиб унга етиб, ҳатто ундан ошиб ҳам кетганларини кўриб ҳайрон қолишади!

Ўзингизга чақириқ ташланг, қўйилган мақсадга етаман, деб. Бу ҳаяжонли ўйин, аммо катта фойда келтиради. Олдингизга қўйган бир йиллик, ярим йиллик мақсадингизга, албатта, эришасиз. Бундай ҳолат кўп кузатилган. Аниқ қўйилган мақсад сеҳр кучига эга.

Сиз ўйлаганингиздан-да чексиз қимматлисиз

Бу ошириб айтиш эмас – бу ҳақиқат: сиз ўйлаганингиздан-да чексиз қимматлисиз. Му-

аммо шундаки, бу гапни олдин сизга ҳеч ким айтмаган. Аксинча, сизнинг атрофингизда бу гапнинг тескарисини айтган одамлар кўп бўлган.

Ақл, меҳнатсеварлик, мослашиш, тасаввур, интизом ва тажриба – албатта, муваффақият масаллиқларидан, лекин сиз биласизки, бундай сифатлари бор ҳамма одамлар ҳам муваффақиятга эриша олаверишмайди ёки, тўғрироғи, ўзларининг ҳамма сифатларини кўрсатиша олишмайди. Ҳа, балки сиз ҳам шу тоифадандирсиз. Нима бўлишидан қатъий назар, сизнинг маҳоратингиз ва кучингиз тушуниб бўлмас ҳолда сиздан сирпаниб чиқиб кетяпти. Шундай пайтда эса ишхонангизда ва бошқа фирмаларда хизмат поғоналаридан ўсиб бораётган, муваффақиятга эришаётган одамларни кўряпсиз, улар сиздан кўра ақлсизроқ, малакасиз кўринишса-да, ҳавас қиладиган даражада ютуқларга эришиб юришибди. Гап шундаки, уларнинг яшаш тарзлари мақсадлари билан белгиланган, мақсадлари эса "Мен- образ"лари билан белгиланган. Сизнинг ҳам ҳаёт босқичингиз ўз мақсадларингиз билан белгиланиб "Мен-образ"ингизга боғлиқ.

Олдингизга юқори даражадаги мақсадларни қўйиб, руҳий тўсиқларни енгиб ўтинг ва ўзингизни баҳолашни юксалтиринг. Онг остингиз учун сизни пастга итаришдан кўра юқори мақсадга эришишингизга ёрдам бериш унчалик қийин эмас. Натижа ёқимли бўлиши тайин.

Мақсадингиз билан бирга бўлинг. Уни ёзма равишда турли жойларга ёпиштириб қўйинг,

токи у кўз олдингизда бўлсин. Асосийси у доим фикрларингизда бўлсин. Сизнинг қувватларингиз фикрларингизга қаратилган бўлади. Агар сиз бир лаҳза ҳам ўз мақсадларингиз ҳақида ўйлашни тўхтатмасангиз, у сизнинг фикс-ғоянгизга айланади, ички қувватларингиз муваффақиятга эришишингиз учун сизга ёрдам қила бошлайди. Сизнинг тинмай онг остингизнинг ишлаши туфайли, албатта, янги ажойиб имкониятлар пайдо бўлади ва сизга ёрдам учун қулай вазиятларни ҳамда одамларни ўзига жалб қилади.

Ўз мақсадингизни фикс-ғояга айлантиринг

Мақсад катталаштириб кўрсатадиган ойна сингари сизнинг қувватингизни кучайтиради. Асосий мақсадингизни фикс-ғоянинг оддий сўзлари билан тўлдириб режалаштиринг. Бу фикс-ғоя нафақат қувватингиз ва муваффақиятингиз босқичини оширади, балки қувватни беҳуда ишлатишингиздаги хатоларингизни сизга уқтиради. Фикс-ғоя сизни, албатта, муваффақиятга олиб боради.

Мақсадга интилиш, бир хил ўлчамли фикс-ғоя сизнинг касбий ва шахсий ҳаётингизни йўналтиради. Бунда унчалик кўп куч сарфламайсиз. Сизни муваффақиятга яқинлаштираётган ҳар бир нарсани қўллашингиз ва тақдирлашингиз керак. Сизни ундан узоқлаштирадиганларидан эса воз кечинг. Бу яқинлаштираётган ёки узоқлаштираётган нарсаларни қандай билиш

мумкин? Доимгидай бу борада сизга олдинни кўра билиш, яъни интуициянгиз ёрдам беради – қандайдир хира сезги, шеригингиз ёки дўстингиз томонидан айтилган сўз, китобда ё журналда ўқиганингиз ички ҳиссиётларингиз билан қарама-қаршиликка бориши мумкин.

Олдингизга аниқ мақсадларни қўйинг, ниятингизга, албатта, етасиз.

Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар

1. *Қоғоз-қалам олиб ёзинг: келаси йили қанча пул ишлаб топмоқчисиз?* Буни қилганингиздан сўнг қуйидагини ўйлаб кўринг. Мақсад қилганингизда "Мен-образ"ига ёндашиб, 40.000 доллар, деб ёздингизми? Демак, сиз ўзингизни шунча баҳолар экансиз. Ва сиз ҳақсиз: сиз қанчага ўзингизни баҳоласангиз, ўшанча турасиз. Аммо сиз 80 ёки 200 минг доллар ёхуд миллион доллар, деб айтсангиз, ўзингизнинг шунча туришингизни англатади. Шуни билингки, сизнинг онг ости ва потенциал кучингизнинг чегараси йўқ. Балки сиз ҳозир ўйлаётганингиздан-да қиммат турарсиз.
2. *Бир дақиқа олдин ёзган суммангизни икки баробарга кўтаринг.* Бу ҳолатда ўзингизни кузатинг. Бошида 50.000 доллар ёздингиз, нимага энди 100.000 долларлардан бошламайсиз? Нима, унга эришиб

бўлмайди, деб ўйлайсизми? Кўпчилик одамлар бу борада сиз билан келишолмаган бўларди. Ҳар йили минглаб одамлар миллионерларга айланишяпти, миллион одамлар эса 100.000 доллардан даромад олишяпти. Улар шундай даромадни кўзлаш учун ва ниятларига етиш учун етарли юқори "Мен-образ"га эгалар.

3. *Юқорида айтиб ўтганларимизга қўшимча: биринчи йили унчалик мукаммал бўлмаган мақсадларни ўз олдингизга қўйманг.* Ўз мақсадларингизни аста ўстириб боринг, аммо шу билан бирга улар самарага ва шижоатга тўла бўлиши лозим. Агар сиз ўз олдингизга етарли юқори даражадаги мақсадни қўйган ва унга етиб қолган бўлсангиз, бу жуда зўр натижа! Лекин мақсадингиз ўта камтар, ерга яқин бўлса, унга эришиб, узоққа силжий олмаган бўлиб чиқсангиз, ажабланишни ҳис қилишингиз мумкин. Шундай мақсадни қўйингки, у сизни ижобий толиқтирсин ва онг остингизга чақириқ ташласин, аммо эришиб бўлмас бўлмасин. Қўйилган мақсадлар жараёни аниқ ва ижодий бўлса-да, энг кераклиги – онг остини бу эришилган мақсадга тайёрлигингизга ишонтиринг. Сиз тайёрлигингизни ҳис қилинг; бундай ҳис унга етишишни жуда ҳам истаган адолатли иш йўлидаги синовдек туюлади. Ва сизга олам оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, айнан буюртма қилган нарсангизни, албатта, беради.

VII БОБ. РЕЖА ҲАРАКАТИ

Муваффақиятга нафақат компаниянинг биринчи кунларидангина, балки ҳамиша бор кучни қаратиш керак, деб ўйлайман.

Дэвид Пакард,
Hewlett-Packard

Муваффақият йўлидаги энг керакли қадам бу – режага асосан босқичма-босқич тайёргарлик билан ҳаракатланиш. Бу онгли ва онгсиз равишда ниятларингизни англашга ёрдам беради. Аслида нима бўлаётгани, сезиларли даражада кўзланган режага ўхшамаслиги мумкин. Одатда шундай бўлади, аммо барибир кўзлаган мақсадингизга ниятингиз холис бўлса, етасиз.

Афсуски, бизнеснинг баъзи турлари кўзга кўринарли даражада молиявий мукофот бермайди. Агар сиз учун пул биринчи навбатда турмаса, бу яхши. Агар сиз молиявий хавфсизликка ва ўз орзуларингизни амалга оширишда восита қидираётган бўлсангиз, иш жойингизни ўзгартирсангиз, албатта, буларсиз бўлмайди. Эҳтиросларингиз билан чамбарчас бўлган, маҳоратингиз, билимингизга хос ва яхши даромад келтирадиган иш топинг. Ёки ўз ишингизни очинг, кера.. бўлса, асосий ишдан ташқари.

Хатони менман деган бизнесмен ҳам қилади. Аммо ҳеч нарса қилмаётган одам ҳам ҳато қилади. Вақтинчалик омадсизликни бошингиздан ўтказсангиз-да, барибир мақсадингизга ета оласиз, қачонки онг остингизни керакли даражада дастурласангиз. Буни аниқ молиявий мақсад ва режа бўйича ҳаракатланиш, белгиланган муддатлар билан таъминлаш орқали қилинади.

Ниятларингизни белгилаш учун босқичли режа ҳаракатини тайёрланг

Босқичли режага асосан ҳаракатланиш онг остини сизнинг истак ва орзуларингиз ниятларингизга айланишига ишонтиради. Сизнинг қўйилган мақсадга етиш ниятингиз учун тузган режангиз исбот бўла олади. Ишонган онг ости ўз ишини бошлайди ва сиз кўзлаган ниятингизга етасиз.

Тайёрланган режани амалга ошириш тавакалчиликка ўхшаши ҳам мумкин, айниқса, бу биринчи қўйилган мақсад ва тузилган режа ҳаракати бўлса. Ҳамма ўзгаришлар, у ҳатто яхши томонга бўлса ҳам, инсонда ҳадикни уйғотиши мумкин. Баъзи одамларда умидга ишонч талаби шунчалар каттаки, унинг учун улар энг қадрли орзуларидан ҳам воз кечадилар. Олдинга боришдан қўрқманг. Сиз бундан ҳеч қачон афсус чекмайсиз.

Ўз олдингизга кўп эмас, бир пайтнинг ўзида иккита соҳадаги ҳаётий мақсадларни алоҳида қўйишни маслаҳат берамиз. Мақсадлар кўп

бўлса, толиқтириб, ҳаракатларингиздаги самарани пасайтиради. Ҳаётнинг бошқа томонидаги мақсадлар, яъни карьера, оила, саломатлик, арофдагилар билан муносабат ёки, айтайлик, навбатдаги хомаки диссертация ё китобни тугатиш: ҳар қайси соҳадаги яхшиланиш қолганларининг ҳам яхшиланиб боришига хизмат қилади.

Бундан ташқари, алоҳида фойдали мақсадларни алоҳида келажак учун – бир йилга, беш, ўн, йигирма беш йилга олдингизга қўйиш мумкин. Олтмиш ёшга тўлганингизда қандай ҳолатда бўлишни истайсиз? Қандай ҳаётни хоҳлайсиз? Саксон ёшингизда қандай инсон бўлмоқчисиз? Қандай ҳаёт ҳақида орзу қиласиз? Саломатлик ва жисмоний ҳолат ҳақида нима дейсиз? Болаларингиз бўлишини истайсизми? Қандай чўққиларни забт этмоқчисиз? Ўзингизни чегараламанг. Ўтиринг ва босқичли режа тузинг.

Шундай одамларни ҳам биламизки, шунга ўхшаш режа тузишган, аммо уни қаёққадир тиқиб қўйиб, тамомила унутишган. Бироқ бир кун уни топиб олиб қарашсаки, ҳамма режалари амалга ошган бўлади. Албатта, бундай қилишингизни маслаҳат бермаймиз, аксинча, вақти-вақти билан ўз режа ва мақсадларингизни ўқиб туришингизни тавсия қиламиз.

Сиз ўз ҳаётингизнинг архитекторисиз – уни қандай кўришни хоҳлайсиз

Олдинги мавқеингиздан, олдинги омадсизликлардан, ўтмишингиздан кечинг. Ёшингиз

нечадалигини унутинг. Етмиш ва саксондан ўтган кўпчилик одамлар билишади ва ишонишади: ҳали яхши кунлар олдинда. Бахт ва бойликка ҳар қандай ёшда эришса бўлади. Биз тўлиб-тошириб юбораётган орзулар ўзимиз ўйлагандан-да аслида амалга ошиши осон, бунда ёшни ва мавқеимизнинг аҳамияти йўқ. Агар сиз мукаммал келажакни тасаввурингизга олиб, қарилик чоғингизда ҳам қисқа муддатли мақсадларингизни амалга оширишни бошласангиз, ҳаётингизга аниқлик ва маъно киритган бўласиз. Сизда кўрпадан ҳар куни эрталаб туриб ҳаракат қилишга сабаб бўлади, бу орзуларингизни амалга оширишдир. Сиз ўз ҳаётингизнинг йўналишини чизиб олдингиз.

Сиз олдинни кўра биладиган инсон бўлдингиз.

Ҳаётингизни шу тарзда тасаввур қилсангиз – бу мукаммал саҳнани тасаввур қилиб, ўз келажагингизни режалаштирасиз, онг остингизда завқли орзуларни вужудга келтирувчи туйғуларни дастурлаган бўласиз. Сиз онг остини шундай образлар билан тўлдирингки, улар чинга айлансин. Сиз чиндан ҳам ўз ҳаётингизнинг архитекторисиз. Сизнинг чизмаларингиз – бу сизнинг мақсадларингиз ва сиз кўрган келажак ҳаётингиз ҳақидаги мукаммал саҳна.

Сизни узоқ муддатли мақсадларингиз нафақат мукаммал ҳаётингизни кўрсатади, уни қуришингизга ёрдам ҳам беради. Улар кўп ҳолларда танловни камайтиради, яъни баъзи ҳолатларда оғир ёки ёмон ўзбошимчаликдек туюлганларини. Ҳаётдан нима кутаётганингиз-

ни билмасангиз, баъзан оддий бўлган кунлик қарорларни қабул қилишга ҳам қийналасиз. Улар сизга кенг маънодаги режадек туюлмайди, унга вақт ва фикрингизни чалғитиб, ҳаракатланишга арзимайдигандек кўринади.

Ҳаётий режа тузиш ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида муваффақиятга яқинлашишимизга бизни руҳлантиради ва мослашишимизга ёрдам беради. Ёддан чиқармаслик керак, келажакка эгилувчан ҳолда яқинлашиш лозим, чунки ҳаёт доимий ўзгарувчанликни талаб қилади. Сизнинг мавқеингиз ва соҳангиз беш-ўн йилдан сўнг сиз кутганчалик бўлмаслиги мумкин – улар сиз ўйлаганингиздан-да яхшиланиб кетади.

Онг тўғри дастурланган бўлса, ҳаётингиз ҳар бир босқичда олдингисидан яхшиланиб бораверади. Ҳар куни ҳар қандай муносабатларда яхши ва янада яхши бўлиб бораверамиз. Биз кенгайиб, потенциалимиз барча вазиятларда очилиб боради, ишлаб чиққан режаларимиз кучайиб, шижоатга, қатъияликка тўлиб боради. Биз кўпинча иш устида олдинги режаларимизни, яъни "жуда майда"ларини ташлаб юборамиз. "Мен-образ"имизнинг кенгайиши билан бир қаторда ташқи дунё бўйича муваффақиятларимиз ҳам кенгаяди. Биз тўхтамай олдинга интиламиз, бадавлатликка яқинлашамиз ва, албатта, мақсадимиз айнан шундай бўлса.

Ҳозир тиришқоқлик билан келаётган йил учун асосий мақсадингизни режалаштиринг, албатта, эгилувчанликни сақлаб қолинг, чунки кутилмаган вазиятларда имкониятлардан

фойдаланиш учун бу керакли нарса. Бу сизга қилаётган ишингизни аниқ кўра олишингизга ва қўйилган мақсадга етишишингизга кўмак бўлади. Доноларча тузилган режа турли салбий ҳолатларни ва ортга тортувчи вазиятларни четга суриб, ўз мақсадингизга тўғри яқинлашишингиз учун дастак бўла олади.

Феъл-атвор тақдир учун тенг аҳамиятли

Мақсадларни яхши қўйиш жуда зарур, агар сиз чиндан ҳам муваффақият қозонмоқчи бўлсангиз. Уни кундан кунга амалга ошириб боришда интизом ҳам керак. Яхши интизом бу ўзимиз танлаганимиз, биров айтгани эмас. Грек файласуфи Граклит айтади: "Феъл-атвор тақдир учун тенг аҳамиятлидир". Агар биз атрофимиздаги барча муваффақиятга эришган одамларга қарасак, бу сўзларнинг тасдиғини кўрамиз. Ҳамма муваффақиятли одамлар, у аёл бўладими, эркакми, ўзларича кучли феъл-атворга ва интизомга эгалар. Муваффақиятга феъл-атворнинг кучисиз эришиб бўлмайди. Ўз ҳаётимизнинг хўжайини бўлишимиз ва уни ўз қўлимизга олишимиз учун биз интизомга муҳтожлик сезамиз.

Интизом деганда биз тасаввурни ва мослашишни ман этадиган қаттиқ тартибни кўзда тутмаяпмиз ва, албатта, терлаб-пишиб меҳнат қилишни ҳам айтмаяпмиз. Интизом деганимизда қуйидагиларни айтмоқчимиз, яъни дам олиш учун етарли вақт бериш, жисмоний тар-

бия, яхши овқатланиш, оилавий мажбуриятларни бажариш, ўйин-кулги ва бироз ёлғиз ҳам қолиш.

Ҳаддан зиёд зўрма-зўраки ишлаш сермаҳсул бўлмайди. Ҳозирги кунда кўп ишлаш устидан шикоят қилиш удумга айланган, шундай бўлса-да, кўпчилик одамлар ўзларининг ўнта потенциалларидан бирортасини очишмайди, улар яна кўп ишлайверишади, кўзга кўринарли натижа эса йўқ. Улар толиқишади, лекин интизом етмайди. Улар муваффақиятга олиб борувчи омилларни ўзларига одат қилишмаган.

Муваффақият – бу одат

Интизом ва завқли фикрларни дастурлаш ўз ишлаш усулларингизни ишлаб чиқишга, шахсий услубни ташкил қилишга етаклайди, сиз шахсий ишлаш ритмини топасиз ва муваффақиятга одатланишни ривожлантирасиз. Шу пайтгача омадсизлик ёки боғланиб қолиш сизнинг оддий одатингиз эди. Агар сиз одатингизни янгисига алмаштирсангиз, иккинчиси сизнинг иккинчингизга айланиб қолади. Ва шунда муваффақият сиз томонга яқинлаша бошлайди.

Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар

1. *Бир варақ қоғозни олинг ва ёзинг: ҳаётингизни қандайлигича кўрмоқчисиз?* Ёзинг, иложи борича аниқроқ бўлсин. Қандай иш билан шуғулланишни истар-

дингиз? Қанча пул ишлаб топмоқчисиз? Беш йилдан сўнг? Ўн йилдан сўнг? Йигирма беш йилдан сўнг-чи? Қандай уйда яшашни истардингиз? Қанақа дўстларингиз бўлишини хоҳлардингиз? Оила масаласида-чи? Шуларнинг ҳаммасини аниқ қилиб қоғозга туширинг.

2. *Келаси йил учун мақсадни аниқланг.* Ақлингизда аниқ мақсадни ушлаб туриб, унинг ривожи учун босқичли режа тузинг. Тартиб билан ҳамма қилинадиган ишларни ёзинг. Ҳар бир босқич учун муддат ўрнатинг ва улар ҳақида унутиб қўйманг. Кейин эса ажойиб ва ғаройиб, ёқимли натижаларни қабул қилишга тайёргарлик кўраверинг.

СЎНГСЎЗ

Ҳаётда ҳеч нарса қайсарликнинг ўрнини босолмайди.

Истеъдод бирон нарса қила олмайди: истеъдодли омадсизларнинг борлиги оддий ҳол.

Генийлик бирон нарса қила олмайди: тан олинмаган гениялар қанча?!

Билим бирон нарса қила олмайди: олам билимли аҳмоқларга тўла.

Фақат тиришқоқлик ва қатъият ҳамма нарсага қодир.

Томас Уотсон,
IBM асосчиси

Ҳеч қандай "муваффақиятнинг сири" йўқ. Кўпчилик ишбилармон одамлар муваффақиятлари йўлида ҳамма ўрганганларини қизиққан одамлар билан хурсандчилик ила бўлишишлари мумкин. Биз учун катта фойдаси теккан, ютуққа етаклаган қандайдир сирларни эмас, балки муваффақиятга эришиш йўлидаги услубларни, уларга қандай ёндашишни, билимларни ва ҳақиқатларни ушбу китобда ёзиб, сизга етказганимиздан жуда мамнунмиз. Китобимиз унчалик катта эмас, аммо бу сизни чалғитмасин: муваффақиятнинг кучли тамойилларини тушунтириш учун узундан-узун томларнинг кераги йўқ.

Биз айтганларимизни яна ундан ҳам қисқароқ баён қилишимиз мумкин:

- Ҳаётни қандай кўришни хоҳласангиз, ўшандай тасаввур қилинг ва ўшандай ҳаётда яшашга қарор қилинг.
- Нима билан шуғулланиш сизга ёқишини аниқланг ва уни ўзингизнинг шиорингизга айлантиринг.
- Ўша шиорингизга бор қувватингизни, ҳаётий кучингизни бағишланг; қувонч ва қониқишлар ортидан яна кучли қувват вужудга келади.
- Нимани исташингизни англаб олинг; олдингизга аниқ муддатли юксалишли аниқ мақсад қўйинг. Истакларингизни ниятга айлантиринг ва ниятларингизни амалга ошириш учун биринчи қадамни ташланг.
- Муваффақиятингиз, майли, бурилиш ясасин ва ўз оқими бўйича ҳаракатланиб, вақти келиб юксалсин. Ўз олдингизга келажак учун аниқ мақсадларни қўйинг, шу билан бирга натижаларга ўта боғланиб қолманг. Олдингизга келажак учун аниқ мақсадларни қўйинг, аммо асл тўлақонли ҳаёт билан яшанг, айни пайтдан роҳатланинг.
- Тўсиқларни ва ўтмишдаги муваффақиятсизликларни муваффақиятга йўл очувчи сифатида кўринг. Муваффақиятсизлик ҳаётий муваффақият учун билим бўла олади.
- Қилаётган ишингиз бўйича мутахассис бўлинг. Доим ўз билим ва малакангизни ошириб боринг. Билим олишнинг чеки йўқ.

- Бошқалар қийинчиликни кўрадиган жойлардан ёқимли имкониятларни қидириб топинг. Тасаввурингизни ишлатинг. Олам чексиз имкониятларга тўла.
- Ўзингиз учун қулай иш оқимини ва интизом услубини қидириб топинг.
- Қатъиятли бўлинг. Ягона ҳақиқий мағлубият – таслим бўлиш.
- Миннатдор бўлинг ва бўлишинг. Даромадингиздан, ҳеч бўлмаса, ўн фоизини эҳсон қилиб туринг, кейинроқ омадингиз чопиб, даромадингиз ошиб кетса, ундан ҳам кўпроғини беринг. Қанча кўп берсангиз, шунча кўп бўлиб қайтади. Бу тортишилмайдиган ҳақиқат! Сизда кўпчиликка яхшилик қилишга вақт ҳам, имконият ҳам бор.
- Қандай ҳаётда яшашни истасангиз, ҳозир ўша ҳаётда яшанг. Ўзингизга эслатишдан чарчаманг, ҳар куни ҳар қандай муносабатларда сиз яхши ва янада яхши бўлиб бораверасиз.

Айлин Кедди, Шотландиядаги Файндхорн жамиятининг асосчиси бу борада ушбуни айтганди: "Ҳаётингизда бирор нарса амалга ошиши учун аввало эҳтирос билан чин дилдан исташингиз, ишонишингиз керак ва онгингизда унинг амалга ошиши тўғрисидаги образни ушлаб туришингиз лозим".

Энди сизда ҳамма керакли "асбоб"лар бор. Улардан фойдаланинг – ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ 3
КИРИШ 5

I БОБ. НИМАДАН БОШЛАШ КЕРАК 10
Муваффақиятга эриша олишингизга ишонинг 10
Муваффақиятсизликка учрашдан кўра ютуққа эришиш қийин эмас.....13
Бизнинг ҳаётимиз қарашларимиз билан белгиланади – чексиз муваффақият, чексиз ишонч тизимидан вужудга келади 22
Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар 25

II БОБ. БОЙЛИК – БУ АҚЛНИНГ ҲОЛАТИ.....27
Бизнинг онгимиз чегара билмайди 28
Ўзини ишонтира билиш.....33
Муваффақиятингизни тасаввур қилинг - унинг аниқ образини яратинг.....37
Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар 40

III БОБ. РУҲИЙ ТЎСИҚЛАРНИ ЕНГИБ ЎТИШ....42
Пулнинг завқли образини яратинг: пул меҳрнинг кучли қуроли бўлиши мумкин..... 44
Онг учун чеклов йўқ 46
Фикрларимизни моддийлаштириш 48
Билдириш ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар 53

IV БОБ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР.....55
Бошқалар фақат ўтиб бўлмас тўсиқлари бор қийинчиликларни кўрадиган жойлардан сиз ёқимли имкониятларни қидиринг.....57
Ўз интуициянгизга ишонинг 59

Асл вақт – айнан ҳозир 64
Қабул қилган қароингизда туринг 65
Жуда тез енгилманг.....66
Ўтмишдаги хатоларингиздан ўрганинг.....67
Билдириш ва қилиниши керак
бўлган ҳаракатлар 68

V БОБ. ЎЗИНГИЗГА ЁҚҚАНИНИ ҚИЛИНГ 69
Ҳаётдан биз нимани кутсак,
айнан ўшани беради 71
Нимани севсангиз, ўшани қилинг 73
Эҳтирос кучи.....74
Соҳангиз бўйича энг зўри бўлинг 76
Танлаган соҳангиз бўйича эксперт бўлинг.....77
Мукаммал бўлинг 77
Истакларни чин ва беғубор
ниятларга айлантиринг.....79
Билдириш ва қилиниши керак
бўлган ҳаракатлар 81

VI БОБ. МАҚСАДЛАР СЕҲРИ 84
Олдингизга битта ёрқин мақсадни қўйинг 85
Сиз ўйлаганингиздан кўпига лойиқсиз 88
Аниқ мақсад қўйиш асл сеҳр кучига эга 89
Сиз ўйлаганингиздан-да чексиз қимматлисиз.....89
Ўз мақсадингизни фикс-ғояга айлантиринг 91
Билдириш ва қилиниши керак
бўлган ҳаракатлар 92

VII БОБ. РЕЖА ҲАРАКАТИ.....94
Ниятларингизни белгилаш учун
босқичли режа ҳаракатини тайёрланг 95
Сиз ўз ҳаётингизнинг архитекторисиз – уни қандай
кўришни хоҳлайсиз.....96
Феъл-атвор тақдир учун тенг аҳамиятли.....99
Муваффақият – бу одат..... 100
Билдириш ва қилиниши керак
бўлган ҳаракатлар 100
СЎНГСЎЗ..... 102

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Марк ФИШЕР,
Марк АЛЛЕН

МИЛЛИОНЕР СИНГАРИ ФИКРЛАШНИ ЎРГАНИНГ

Таржимонлар:
Тоҳиржон Ҳакимов,
Наргиза Анорбоева

Муҳаррир:
Зуҳра Ҳамдамова

Дизайнер:
Фирдавс Дўстматов

Мусаҳҳиҳ:
Алишер Рўзиматов

Нашриёт лицензияси:
AI 175. 28.12.2009 да берилган.

Теришга берилди: 04.01.2016. Босишга рухсат этилди: 10.01.2016. Бичими: 84x108 $^{1}/_{32}$. Офсет босма. Verdana гарнитураси. Босма табоғи: 7,0. Адади: 5000. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма: 102.

Нашриёт манзили:
«Наврўз» нашриёти, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 19-уй.

Босмахона манзили:
«GOOD GROUP MEDIA» МЧЖ-да чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор-14, 32-уй.

Муваффақият аниқ тамойиллар ва мақсадга интилиш омиллари билан белгиланади. Омаднинг ҳам қандайдир ўрни бордир балки, лекин биз биламизки, омад ёқимли имкониятларга машаққатли тайёргарлик қўшилгандагина вужудга келади.



МИЛЛИОНЕР СИНГАРИ ФИКРЛАШНИ ЎРГАНИНГ

МАРК ФИШЕР,
МАРК АЛЛЕН

ISBN 978-9943-381-21-6